VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

31 (196) ● 2012 йил 8 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

# Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



МАЗКУР ташаббус демократик янгиланишлар жараёнида сайлов тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



СИРДАРЁ вилоятида болажонларнинг ёзги дам олиш мавсумида яхши ҳордиқ чиқаришларига катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда вилоятда 6 та шаҳар ташқарисида, 13 та коллеж ва мактабларда ташкил этилган бўлиб, болажонларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароитлар яратиб берилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, устоз-шогирд анъанасини тиклаш, ёшларнинг соҳага бўлган қизиқиш ва интилишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА
6 ЖАРАЁН
8 НИГОҲ

## ХАБАРЛАР

### "Темпус" дастури самараси

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида "Темпус" дастури бажарилиши ҳолати ва истиқболлари, дастурни амалга ошириш масалалари юзасидан тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда мазкур дастурнинг Ўзбекистонда 1994 йилдан буён амалга оширилаётгани ва унинг давлатимизда таълим тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани қайд этилди. Шунингдек, тегишли ташкилотлар томонидан европалик шериклар билан бирга олий таълимни модернизация қилишга кўмаклашишга йўналтирилган ишларнинг амалий аҳамиятини ошириш бўйича мақсадли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари таҳлил қилинди.

### Сени куйлайман, Ватан!

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақилликнинг 21 йиллигига бағишланган мушоира кечаси ана шу шиор остида ўтказилди.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда "Адабиёт" йўналишидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоир ва ёзувчилар, "Онажоним шеърият" тўгараги аъзолари, санъаткорлар иштирок этди. Совриндор қизлар она юрт, садоқат, ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърларини ўқиб беришди. Дилафруз Усмонованинг хитой тилида айтган алласи эса кечага ўзгача руҳ бағишлади. Тадбир сўнгида ижодкор қизлар рағбатлантирилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

### Рақамли телевидение истиқболлари

**Ҳозирги кунда рақамли телевидениега ўтиш жараёнлари нафақат Тошкентда, балки республикамизнинг барча ҳудудларида режали ва босқичма-босқич амалга оширилаётир.**

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ахборот хизмати маълумотларига кўра, ўзбекистонлик техник мутахассислар Жанубий Кореянинг етакчи компания ва фирмаларига малака ошириш учун юборилган. Улар кореялик ҳамкасблари билан бўлиб ўтган қатор учрашув, суҳбат ва музокаралар давомида соҳанинг икки томон учун ўзаро манфаат касб этган долзарб масалалари бўйича батафсил фикр ва амалий тажриба алмашган.

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



# Беш сўзнинг ҳикмати ва қиммати

*Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлган Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва уни юксак савияда ўтказиш учун аниқ дастур асосида тайёргарлик ишларини олиб бориш қутлуғ анъанага айланди. Бу йил ҳам ана шу анъанага биноан Президентимиз Қарори асосида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.*

Таъкидлаш керакки, бу дастурнинг ўзига хос маъно-мазмуни ва фалсафаси унинг бош ғояси бўлмиш **"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!"** деган сўзларда яққол акс этиб турибди. Бу беш сўзда мустақиллик йилларидаги хулосаларимиз, орзу-ўйларимиз, амалий интилиш ва ҳаракатларимиз ўз ифодасини топган, десак хато бўлмайди. Бу сўзлар бамисоли олмоснинг беш қирраси каби қалбимиз, шууримизга шуъла сочаётир. Бу сўзлар 30 миллионли халқимизни истиқлол нақадар буюк неъмат эканини, эл-юртимиз 21 йил давомида қандай улкан довонлардан ўтиб, қандай юксак марраларни забт этганини тушуниш, англашга даъват этаётир.

**Тақдиримсан!**

Тақдир сўзининг "истиқбол", "келажак", "оқибат", "пешонага ёзилган битик", "қисмат" деган маънолари бор.

Президент қарорида "тақдир" сўзини ўқиганда буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **"Миллат дардларига дармон бўлиш вазифангиздир"** деган ўгитлари эсга тушади. "Вазифангиздир", деган сўз "тақдирингиздир", деган сўзга нақадар муштарак бўлиб туюлади. Чунки ғоялар — вазифаларга, вазифалар — ишга айланади. Инсон, халқ эзгу ният билан азму қарор қилса, ўз бахти, ўз тақдири, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга қодир бўлади.

Бунинг исботи — халқимизнинг тинимсиз кураш, меҳнат ва матонат билан ўтган 21 йиллик тақдири — бахтли, шарафли, келгуси авлодларга ибрат ва намуна бўладиган тақдири. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида бунинг яққол мисоллари бор: 1990 йилнинг 24 феврали. Тошкентда улкан минбардан ибратли бир ривоятни келтиради. Ривоят бир қабиланинг ўз тақдирини Соҳибқирон Амир Темур қўлига топширгани ҳақида:

**"Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундириб-ди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга қуролларини топширар экан, қуйидаги гапларни айтибди: "Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ, сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар сен подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато эт!"**(127-б.).

Бу сўзлар собиқ КПССнинг мафкура тиғи Ўзбекистонга, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига қарши қаратилган таҳликали кунларда айтилган. Ўта қалтис сиёсий-мафкуравий вазиятда муаллиф мажлис аҳлига буюк Соҳибқирон ҳаётининг зафарли онларини эслатиб, халқимиз бахти йўлида фидойиликка руҳлантиради. Шундай бўлди ҳам.

Миллатнинг дардларига дармон кира бошлади. Қадди эгик, хору ночор эл қалбида эртанги кунга ишонч пайдо бўлиб, юзига қон югура бошлади. Бугун унинг қадди тик, кўнгли тўқ, боши ҳам, шаъну ғурури ҳам баланд. Ислом Каримов ана шундай мураккаб шароитда эл-юртимизга мустақилликдан бошқа нажот йўли йўқ эканини, бу — тақдир, ота-боболаримиз етишишни, бошдан кечиришни истаган буюк қисмат эканини англатди.

2-бет

## 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# Ёш журналистлар медиа-оромгоҳи

*Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Умид гулшани" сиҳатгоҳида "Навқирон журналистлар" медиа-оромгоҳи ўз ишини бошлади.*

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган мазкур тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, ЕХҲТ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фаолияти самарадорлигини кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил равнақ топтириш юзасидан кенг қамровли вазифалар белгилаб берилган.

"Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзуида ўтказилаётган мазкур медиа-оромгоҳда "Форум-ТВ", ЎзНТТ телеканаллари, ёшлар телестудиялари, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказлари, ҳудудий телестанциялар раҳбарлари, журналистлар ва техник ходимлар, реклама менежерлари, дизайнерлар, нодавлат радиостанцияларнинг бош муҳаррирлари иштирок этмоқда.

Ўн кун давом этадиган медиа-оромгоҳ машғулотларида иштирокчилар ахборот соҳасига оид миллий қонунчиликни атрофлича ўрганадилар. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга оид телерадиоматериалларни жамоатчиликка чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишга оид вазифалар белгилаб олинади. Айни пайтда юртимизнинг тажрибали журналистлари, ҳуқуқшунос ва олимлари, маънавият тарғиботчилари ҳамда Франция, Германия, Ҳиндистон сингари давлатларнинг экспертлари иштирокида ташкил этиладиган ўқув-семинарлар давомида илғор техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, телерадиомаҳсулотларнинг зарур стандартлари каби долзарб масалалар батафсил муҳокама этилади.

— Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригида журналистларнинг ўз фаолиятига чуқур танқидий-таҳлилий асосда ёндашуви, касбий малака ва маҳоратини ошириб бориш йўлида тинимсиз изланиши зарурлиги алоҳида таъкидланган, - дейди Сурхондарё вилояти "Ишонч-ТВ" телеканали мухбири Элёр Гўруғлиев. — Мазкур семинар машғулотлари давомида ўзига хос ижодий ёндашув, чуқур таҳлилий асосдаги материалларни тайёрлашга доир тажрибалар билан танишяпмиз. Назарий ва амалий билимимизни мустаҳкамлаяпмиз.

Машғулотларда иштирокчилар Тошкент вилояти Қибрай туманида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига тайёргарлик, оилаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга оид туркум материаллар тайёрлайди. Анжуман доирасида турли маданий-маърифий дастурлар, концертлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

*Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг йигирма бир йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлига назар ташлайдиган бўлсак, барча соҳаларда кенг қамровли ўзгаришлар рўй берганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели" дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.*

# Чет эл сармоялари

**УНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ**

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

**ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**



## Беш сўзнинг ҳикмати ва қиммати

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Бахтимсан!**

Албатта, ўша йилларда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" дейиш бироз ғалати эшитиларди. Негаки, "Бахтимсан", десак, тўрт томонда бахтсизлик ҳукмрон эди. "Эркинсан", десак, авжига чиққан зулм ва адолатсизлик қўл-оёғимизни кишанлаб ташлаган эди. "Ободсан", деб оғиз жуфтласак, вайрона аҳволдан тилимиз айланмас эди. Бугун эса бу сўзларнинг маъно-мазмунига мос шароитга эга бўлдик. Аниқроғи, шундай шароитни ўз қўлимиз билан барпо этдик. Бинобарин, бу сўзларни катта ғурур-ифтихор билан айтишга ҳар томонлама ҳақлимиз.

Бахт. Кишининг ўз турмушидан мамнунлик, мурод-мақсадга етганлик белги-аломати, ҳаётнинг бекаму кўстлиги ва муайян маъно касб этганидан ҳосил қилинадиган қаноат. "Инсон бахти", "меҳнат қилиш бахти", "оилавий бахт", "касбдан бахт топиш", "ота-оналик бахти", "фарзандлик бахти" деган сўзларни ҳаётда кўп эшитганмиз. Буларнинг ичида "эл-ишончини қозониш бахти", "Ватанга муносиб бўлиш бахти" энг буюк бахт бўлса, не ажаб! Бунинг учун инсон халқим тақдири — менинг тақдирим, деб ҳаётини Ватан равнақига тиккан бўлиши керак.

Бугун юртдошларимиз учун дунёга йўл очиқ. Улар мана-ман деган чет эллик тадбиркорлар билан худди ҳамқишлоғидек тенг, эркин гаплашади. Шартлашиб, фойдани тенг бўлиб, бирга ишлайди. Париж, Лондон, Токио, Деҳлига бориб келиш кўпчилик учун Фарғона ё Самарқандга бориб келишдек бўлиб қолмадими?!

Чинакам бахтли бўлиш учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истеъдоди ва қатъиятини ҳар томонлама намоён қилиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши керак. Ўзбекистон ҳар бир фуқаросига ана шундай имкониятларни яратиб берди. "Бахтимсан", деган сўз ана шундай Ватан ҳақида, ана шундай шароитлар ҳақида сўзлаётир.

Машҳур ҳофизимиз Комилжон Отаниёзов бир пайтлар **"Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси, Ўз элимнинг янтоғича кўринмас",** деб куйлаган эди. Бугун бу юртнинг боғи, боғчалари ҳам дунёнинг ҳавасини келтираётир. Масалан, яқинда пойтахтимиз, мегаполис Тошкент дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири сифатида эътироф қилинди.

Албатта, жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатларида ҳам Ўзбекистондагидек қулайликлар бор. Лекин у ёқларга бориб қолгудек бўлсак, кўзларимиз нуқул календарда, соатда бўлади. Бир-биримиздан "Қачон юртга қайтамиз" деб сўрайверамиз. Ҳатто энг тезучар "Боинг"лар ҳам Ватанга қайтаётганимизда секин учаётгандек туюлаверади. Кўзларимиз ўзбекона манзараларни, қулоқларимиз ўзбекона сўзларни, кўзларни соғинади. Тезроқ эшитмасак, кўрмасак бўлмайди. Бўлмай кетаверади.

**Эркин**

Эркинлик — ҳар қандай тўсиқ, ғов, монеликлардан холи, бемалол яшаш дегани. Бу сўз жаҳондаги барча луғатларда бор ва уни ҳамма халқлар жон қадар эъзозлайди. **"Эркин"** сўзининг миллий мафкурамизнинг бош ғояси — **"Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт"** деган эзгу мақсадимизни ифода этадиган таянч тушунчалардан бири экани ҳам бежиз эмас. Мустақиллик туфайли халқимиз виждон эркинлиги, фуқаролар эркинлиги, ирода эркинлиги, фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, сайлов эркинлиги ва бошқа эркинликларнинг барчасидан баҳраманд бўлмоқда.

Бугунги эркинлик қадрини билиш учун кечаги эрксизлик манзараларини унутмаслигимиз даркор. "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" ҳужжатли фильмида Олтиариқлик бир сельсовет раисаси содда ва самимий қилиб, *"Янги раҳбар одамларга ер беринглар" деб буйруқ чиқарди. Лекин биз бермадик. Кейин виговор олдик"*, дейди ийманиб.

Мана шу ўзбек аёлининг андишали гапида эрксизликнинг аянчли қиёфаси кўриниб туради. Яъни, "Тошкентдаги раҳбарлар гапираверади. Ҳеч нарсани ҳал қилолмайди. Олтиариқда одамларга ер бериш ё бермасликни Тошкент эмас, Москва ҳал қилади", деган қараш каттаю кичик раҳбарларнинг қон-қонларига сингиб кетган эди собиқ мустабид тузум даврида. Ҳақиқатан ҳам, 1989 йилнинг 23 июнига қадар республиканинг бирорта раҳбари эркин, мустақил қарор қабул қила олмас эди.

Биз бугун ҳақиқий эмин-эркинлик мустақил Ватанда бўлишини кўриб, шукроналар қилаётирмиз. Инсонларнинг ўз ҳаётини ўзи қуриш эркинлиги, Ўзбекистонимизнинг мустақил сиёсат юритиш эркинлиги бизни ҳозирги фахрли мақомга кўтарди. Дунёнинг тараққий топган мамлакатлари қаторига кўтараётир.

Эркинлик маънавий илдизларимизга оби ҳаёт берди. Миллий тикланиш бошланди. Эркинлик халқимизга бунёдкорлик қудратини, ўзига ишончни қайтиб берди. Кўзларни ҳайратга солаётган муҳташам қасрлар, намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар-жойлар, университет, институт, коллеж, лицей, мактаблар, спорт иншоотлари, замонавий корхоналар, бозорлар, савдо шахобчалари, обод йўллар, боғу роғлар, хиёбонларга қаранг. Одамларимиз кўзларидаги завқ-шавқ, эртанги кунга ишончни айтмайсизми. Хонадонларимизда ярқираб турган автомобиллар. Энг муҳими, мутелик ва қарамлик ҳиссидан мутлақо холи бўлган ёшларимизнинг чақнаб турган кўзлари ана шу эркинликнинг мевалари эмасми?

**Обод**

Бу сўзнинг зидди — вайрона, қаровсиз, ташландиқ. Бугунги обод Ватаннинг қадрини билиш учун унинг 20-25 йил олдинги аҳволини эслаб туриш керак. Кўришни истайсизми? Унда яна "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" ҳужжатли фильмидаги кадрларни кўз олдимизга келтирайлик.

Кадрларда 80-йилларда халқимиз қандай кулбаларда яшаганини кўриб, ишонгингиз келмайди. Баракка ўхшаган, бостирма-уйлар, гувала деворлар. Тупроғи ундай бўлиб кетган қишлоқ кўчалари. Ўғит солиб, қулфлаб қўйилган масжидлар, тарихий ёдгорликларимиз мунғайиб турибди.

Ёки бундан 20-25 йил олдин бўлган тўйингизнинг видеоёзувларини болаларингиз билан бирга кўринг. Ўша даврдаги қаровсиз қишлоғу шаҳарларни, биноларни, йўлларни, юпун кийинган, маъюс одамларни, ғарибгина тўй дастурхонини кўрасиз. Болаларингиз "Дада, ойи, шунчалик камбағал яшаганмисизлар?" деб, сизга раҳмдил кўзлар билан қарашади *(Бир юртдошимиз ҳикоясидан).* Беихтиёр "Тавба. Наҳотки биз шунчалик ғариб яшаган бўлсак?", деб ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз. Видео тугагач, бугунги фаровон кунларга қайтиб, "Худога шукр-а", деб енгил тортасиз.

80-йилларда Ўзбекистон деганда томорқасиз ҳамқишлоқлар, жиноятчилар даврини сурган тунлар, тақдиримизни ўзимиз эмас, Богуславский, Бабенко каби "десантчи"лар ҳал қилган кунлар, бигиз бармоқлар ўзбекларни "порахўр", "ўғри", "зўравон", "миллатчи" деб кўрсатган, бошимизга туҳмату маломатлар ёғилган кунлар, халқимизга "иккинчи сорт одамлар" деб қаралган йиллар, оналар ва болалар ўлими собиқ Иттифоқда энг юқори бўлган мотамсаро туғуруқхоналар, 1700 та авария ҳолатидаги мактабда ўқиётган болалар... кўз олдимизга келади.

Атоқли ёзувчи Шукур Холмирзаев талабалик чоғида Бўка туманига пахта теримига борганини ўзининг "Ўзбек характери" мақоласида холис тасвирлаган эди. *"У ердаги уйларнинг томлари бари — лойсувоқ, деворлари гувала. Томларга пичан уюлган. Ери зах. Одатдаги ... бараклардан фарқсиз эди. ... шундоқ пастликдаги пахтазорни биздан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага кўзим тушди. Унинг ҳам томига пичан босилган. Пичан устида чумчуқлар ғужғон: чириқ-чириқ...*

*Шунда қарасам, ҳалиги кулба... одам яшайдиган уйча экан. Мен, билмадим, уни бостирма деб ўйлабмидим, ҳайрон қолдим. Кичкина деразаси бор*".

Ҳурматли газетхон. Сиз болаларингизнинг ана шундай вайрона юртда яшашини истармидингиз?

Ватанни унинг тупроғида вояга етган халқ обод қилади. Бугун, 2012 йилнинг август ойидан мисол олсак. Муборакда Ватан равнақи деб, жазирама иссиқда, ўз иш ўрнида шижоат билан меҳнат қилаётган нефтчи ва газчиларимиз, сув тежалсин, деб ғўзасини кунни қўйиб, тунда суғораётган сувчиларимиз, Навоийда ҳар куни 24 соат давомида дунёнинг етти иқлимидан самолётларни кутиб олиб, кузатаётган аэропорт ходимлари, Ёзёвонда қумлоқ жойнинг тагини тошга айлантириб, сувомбор қураётган қурувчиларимиз, юзлаб километрли зовурлар қазиётган ирригаторларимиз, Самарқандда MAN заводида жонбозлик кўрсатаётган машинасозларимиз — ўзбекистонликлар бу юртни обод қилишаётир.

Ҳурматли ўқувчи, ҳойнаҳой: "Муаллиф бизнинг қишлоқдаги, тумандаги, шаҳримиздаги, вилоятимиздаги бунёдкорлик ишларни эсдан чиқарибди", деётгандирсиз. Тўғри. Сиз ҳақсиз. Бироқ, узр. Чунки 2012 йилнинг биргина август ойида бутун юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларининг барчасини реал вақт (on line) режимида ёзиб чиқсак, бу рўйхатнинг ўзи бир нечта китоб бўлишини яхши биласиз.

**Ватан**

Халқимиз кўп кўриб, кузатиб, бизларга "Бегона тупроқ — девона тупроқ", "Ватангадо бўлгунча кафангадо бўл", "Ёмон — ўз ғамида, Яхши — эл ғамида", "Юрт кўри, элинг ўсар, Кўримасанг, уйинг тўзар", "Юртдан айрилганни ёв чопар", "Юртинг омон — ўзинг омон", "Ҳар қуш — уясида эркин", деган мақолларни қолдирган.

Инсон бахт учун туғилади. Бахт тилга кирса эди, ўзига талабгор одамдан аввало "Ватанинг борми?" деб сўраган бўларди. Чунки ҳақиқий бахт ҳиссини одам мусофирликда, меҳмонхонада эмас, уйида, оила даврасида, Ватанида туяди.

**Ғурбатда ғариб шодмон**
**бўлмас эмиш,**
**Эл анга шафиқу меҳрибон**
**бўлмас эмиш.**
**Олтун қафас ичра гар қизил**
**гул битса,**
**Булбулга тикондек ошиён**
**бўлмас эмиш.**

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу сатрларидаги руҳият бизга доим ҳамроҳ.

2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг нуфузли меҳмонларини тинглаб, бир хулосага келдик: Ўзбекистоннинг бугунги ютуқлари бизнинг буюк аждодларимизга қизиқишни кучайтирмоқда.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер сўзининг бошида улуғ бобомиз Алишер Навоий руҳига ҳурмат бажо келтирди. Ислом тараққиёти банки президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али: *"Имом Бухорий Ватанига ташриф буюриш мен учун катта шараф. Имом Бухорийнинг дунё илми ва тараққиётига қўшган ҳиссаси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, ҳадис илмининг султони ҳисобланмиш термизлик аллома, буюк мужтаҳид ва ислом илми намояндаларининг устози Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийга бўлган ҳайратимиз беқиёсдир"*.

Манбаларда ёзилишича, минг йиллардан буён ҳаж маросимлари давомида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ўқиладиган намозларда Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк аждодларимизнинг номлари тилга олинар экан. Демак, минг йиллардан буён турли миллат ва элатга мансуб жаҳон ҳожилари бу улуғ зотларнинг ҳақларига дуо қилиб келишаётир. Уларнинг тилида Бухоро, Термиз деган сўзлар янграётир. Мана шу эмасми, ватанга олий хизмат. Ватанни шарафлаш. Ўз тақдирини Ватан тақдири билан бир деб яшаган буюк боболаримиз ибрати?!

Азиз газетхон, бир савол сизнинг ҳам кўнглингиздан ўтганми? Нега буюк боболаримиз ўз исми шарифларига туғилган жойларини қўшиб айтишган? Қадамлари қаерга етса, ўз юртлари (мана шу Ўзбекистонимизнинг) вилоят, шаҳарлари номлари ҳам ўша диёрларга етиб борган. Камтаринлик билан мен — Бухорийдурмен, мен — Фарғонийдурмен, мен — Хоразмийдурмен, мен — Самарқандийдурмен, мен — Шошийдурмен, мен — Термизийдурмен дейишган? Яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам шу анъанага содиқ қолишган.

Ватан номини ўзига нисба қилиб олиш аждодлардан авлодларга ўтиб келган. *(Бир мисол. Улуғ тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий 1413 йил 7 ноябрь куни Ҳиротда туғилганлар. Бироқ, Ҳиротдаги темурийлар саройида қози ва имомлик лавозимларида бўлган оталари Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий асли Самарқандлик бўлганликлари сабаб ўзларига Самарқандий нисбасини ифтихор билан мерос олганлар).*

Шарқ ва Ғарбнинг зиёли аҳли уларнинг исми шарифларни эшитганида ўринларидан туришган. Бош эгишган. Назаримизда бу эҳтиромга икки сабаб боис бўлган. Бири — бу буюк зотларнинг буюк салоҳиятига. Иккинчиси — уларнинг киндик қонлари томган Ватанига. Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Шошга, Марғилонга, Замахшарга, Дабусияга, Насафга. Демак, бугунги Ўзбекистонга.

Советлар 74 йил бизни ана шундай муқаддас Ватан туйғусидан ажратишга уринди. "Сенинг Ватанинг — СССР. Бахтлисан, қардошлик оиласида. Тепангда ҳилпирар эрк байроғи". Қани. Бўл, куйламайсанми?", деб милтиғи билан елкамизга ниқтаб, сунъий қўшиқ ва нағмаларни куйлашга ундар эди.

**1989 йил келди.** У Ўзбекистоннинг янги тарихини бошлаб берди. Ватанни мустақил кўриш асрлар армони эди. 1989 йилдан бошлаб Ватанни озод қилиш аниқ, пухта ўйланган, узоқни кўзланган мақсад, дастурга айланди. Одамлар ҳатто ўйлашдан ҳам қўрқадиган фикрлар энг олий минбарлардан жасорат билан айтилди. Одамлар эртаси куниёқ бу гапларнинг ижросини кўра бошлади. Чунки шу азиз Ватан қисматини ўз қисмати деб куйинган, собиқ совет империяси хуружларига қарши турадиган ирода соҳиби, қаттиққўл, устоз Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, адолатли, ўз халқини чексиз севувчи ислоҳотчи раҳбар келди давлат бошига. Халқимизни бахт, буюк келажак сари элтувчи мустақил тараққиёт йўли — "Ўзбек модели"нинг асосий тамойиллари белгилаб олинди. Халқимиз бу йўлни қўллаб-қувватлади. Бугун ўша бахт хонадонларимизда.

**"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!"** Бу даъватнинг ёшларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини тарбиялашдаги таъсири беқиёс. Бу сўзлар фарзандларимизни маънавий жасоратга чорламоқда.

**"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!"** деганда ёшларимизнинг кўзлари чақнамоқда.

Бу кўзлар таратаётган нур олдинга қаратилган. Олдимизда буюк келажак кўриниб турибди.

**Муҳаммад ҚУРОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори**

**МУНОСАБАТ**

# Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш

### ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИНИ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Мустақилликнинг илк кунларидан юртимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди. Унинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш каби ғоялар бош мақсад сифатида мустаҳкамланган.***

Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда таъкидланганидек: "Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди". Дарҳақиқат, ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида ўз ваколатларини амалга ошираётган суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг фақат қонунга бўйсунадиган, мустақил ва кучли тармоғи сифатида қарор топтириш бўйича самарали чоралар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларидан иборат бўлган ва ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали амалга оширадиган яхлит суд тизими ташкил этилди.

Судьяларни танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳал этилди, хусусан, судьялар масаласи билан шуғулланадиган махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Халқаро экспертлар бу борада қабул қилинган қонунларнинг умумэътироф этилган стандартларга тўлиқ мувофиқ эканлигини эътироф этдилар.

Ҳақиқатан ҳам юртимизда судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар суд ҳокимиятининг мустаҳкамланишига, қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг қатъий қарор топишига хизмат қилмоқда. Чунончи, ўтган давр мобайнида судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ этилди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди, суднинг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга доир суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жумладан, 2012 йил 2 августдаги суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, суд-ҳуқуқ органларининг салоҳиятини янада юксалтириш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтиришга қаратилган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Ушбу фармон суд тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2010 йилнинг 12 ноябрида тақдим этилган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да зикр этилган вазифаларни ҳал этиш, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Партиямиз келгусида ҳам ўз сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, суд органларининг мустақиллигини кучайтириш, кексаларга, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларга нисбатан жазони муқобил чораларини борган сари кўпроқ қўллашнинг ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш ҳамда жиноят судлов ишларини юритишда маънавий-миллий анъаналаримизга мос келадиган ярашув институтини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини изчиллик билан олиб бориш бўйича тизимли фаолиятини давом эттиради.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида демократик тамойилларнинг чуқурлашувига, юртимизнинг янги тараққиёт марраларини забт этишига кенг йўл очади. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти, буюк давлат барпо этиш учун асос бўлади. Ушбу ислоҳотлар йиллар ўтган сари янада самарали бўлиб, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги, фуқароларимизнинг Конституциявий ҳуқуқлари ҳимояси учун хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу фармони суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьялар захирасини шакллантиришни кенгайтириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш механизмини тубдан такомиллаштириш ишларини кучайтиради.

**Акмал РАХМАНОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



## Сайловчилар ва электорат

### МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан киритилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»сининг «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» йўналишидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Фракция аъзолари муҳокама жараёнида депутатларнинг жойлардаги партия электорати билан учрашувларида, эксперт мутахассислар, кенг жамоатчилик, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирокидаги муҳокамаларда, қатор тадбир ва давра суҳбатларида билдирилган фикрлари қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини эътироф этишди.

Фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини сайловлар орқали амалга оширади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, сайлов ҳуқуқига оид халқаро ҳужжатлар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва бошқа бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, 30 га яқин ривожланган Европа ва Осиё давлатларининг қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинди.

Мухтасар айтганда, мазкур ташаббус демократик янгиланишлар жараёнида сайлов тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг нуқтаи назари шакллантирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ПАРТИЯ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

## Миллий қўғирчоқлар

### ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

***Болалар дунёқарашини шакллантириш, уларни ҳаёт билан таништиришда ўйинчоқлар муҳим ўрин тутади. Қўғирчоқларнинг қандай кўринишга эга эканлиги эса бола руҳий олами шаклланишининг асосий омилларидан бири саналади. Боиси болалар ахборот қабул қилишда катталардан илғор бўлиб, оддий элементлар ҳам улар эътиборидан четда қолмайди.***

Бу эса, ўз навбатида, ота-оналар ва гўдак тарбиясига масъул шахслардан икки ҳисса ҳушёрлик ҳамда масъулиятни талаб этади. Аммо кейинги вақтларда юртимиз бозорларини хорижда ишлаб чиқарилган ўйинчоқ ва қўғирчоқ маҳсулотлари эгаллагани мутахассисларнинг жиддий мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, "Барби", "Шрек", "Ўргимчак одам" каби робот ва трансформерлар сиймоси акс этган ўйинчоқлар шулар жумласидандир. Ачинарлиси, ҳар куни севимли "Барби" билан ўйнайдиган қизалоқ бора-бора қўғирчоғига ўхшашга ҳаракат қилиши кишини янада ташвишга солади.

Дарҳақиқат, ўйинчоқларнинг харидоргир, замонавий ва албатта, ёрқин рангда бўлишини давр талаб қилмоқда. Бироқ, ўйинчоқ ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахслар мазкур маҳсулотлар болаларга мўлжалланганлигини ҳам унутишмаса нур устига нур бўларди. ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан "Ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий қўғирчоқларнинг ўрни" мавзусида ўтказилган тадбирда ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Андижон шаҳар ва вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, қўғирчоқ театри ходимлари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ўйинчоқсоз усталар ҳамда ҳунармандлар иштирок этди.

— Мамлакатимиз ўйинчоқлар ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос тажрибага эга ва соҳа тараққиётида ўйинчоқсоз усталар ҳамда ҳунармандлар алоҳида ўрин тутмоқда, - деди ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли Феруза Сафарова. — Мазкур тадбир ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда болалар ўйинчоқлари тайёрлаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш, ёшларни миллий қўғирчоқларга бўлган қизиқишларини янада ошириш, миллий қўғирчоқлар турларини кўпайтириш, ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг миллий қўғирчоқлар аҳамиятини тарғиб қилишни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллий ўйинчоқ ва қўғирчоқлар табиий хомашё — лой, ёғоч, тери ва дарахт пўстлоғидан тайёрлангани боис экологик жиҳатдан тоза ҳамда хавфсиз маҳсулот ҳисобланади. Тадбир доирасида қўғирчоқсоз усталарнинг табиий хомашёдан тайёрланган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирда соҳадаги муаммолар ва уларнинг сабабларини бартараф этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

***А.АБАЕВ, халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Болалар дунёқараши, характери ўйинчоқ ва қўғирчоқлар воситасида шакллана бошлайди. Бу кўникма, албатта, кўпроқ оилада вужудга келади. Шу боис ота-оналар фарзандларига ўйинчоқ танлаётганларида мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Хусусан, улар қурол-яроқ ва ваҳший қиёфадаги ўйинчоқлар гўдакларни жангари руҳда тарбия топишларига сабаб бўлиши мумкинлигини унутмасликлари зарур. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандининг қандай ўйинчоқ билан овунаётганига аҳамият бермайди. Ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари билан ана шу мавзуда алоҳида суҳбатлар олиб бориш, ўйинчоқлар билан боғлиқ муаммоларга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

***Наргиза ҲАМДАМОВА, ҳунарманд:***

— Халқ эртаклари, достонлар қаҳрамонлари қиёфасини ўзида акс эттирган миллий қўғирчоқлар нафақат ёшларимиз, балки биз катталарнинг ҳам эътиборини тортади. Қизалоғим Робияхон 4 ёшда. Унинг энг яхши кўрган ўйинчоғи — ўзим мато қолдиқларидан тикиб берган Зумрад ва Қиммат номли қўғирчоқлари. Чунки уларнинг кўйлаклари чиройли, сочлари узун...

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, миллий ўйинчоқларимиз болаларни азалий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадбир ҳам айнан болаларни миллий қўғирчоқларга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилганлиги кишини қувонтиради.

**Камола АБДУВАЛИЕВА,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби**

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Замонавий сиёсий технологиялар

### ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ва партия Беруний туман Кенгаши ҳамкорлигида "ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ва Амударё туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия Беруний туман Кенгаши фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.***

Ўқув-семинарда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли қадамлар ташланди. Мамлакатни ислоҳ этиш ва жамиятни эркинлаштириш жараёнлари сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг вакиллик органларидаги депутатлардан ўз ишига чуқур масъулият билан ёндашишни талаб этади.

— Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялардан ташаббускорлик, амалий саъй-ҳаракат ва ҳар бир бўғин фаоллигини янада кучайтиришни талаб қилади, - деди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Емберген Бауетдинов. — Ушбу ўқув-семинарда ҳам ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини янги босқичга кўтариш, уларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлгани, ўйлайманки, сайловчилар ва электорат билан самарали ишлашга хизмат қилади.

Семинарда "Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишда ЎзМТДПнинг долзарб вазифалари", "Партия электорати манфаатларини амалга оширишда мафкуравий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш", "Ташкилий партиявий ва кадрлар йўналишида ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини ошириш", "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар асосида ўтган ўқув-семинарда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

***Улуғбек ҲУСАЙНИЙ, ЎзМТДП Тўрткўл туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгаши депутати:***

— Ўқувда ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижроси ҳамда электорат манфаатларини таъминлашда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш борасида қимматли тавсияларни олдик. Шу нуқтаи назардан бугунги ўқув-семинар партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ишини янги поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Парахат ДЖИЕМУРАТОВА, ЎзМТДП Беруний туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:***

— Бугунги кунда юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар жараёни партия кадрларининг ғоявий етук, фаол ва ташаббускор бўлишини талаб этади. Семинарда айни шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий билимларимиз даражасини ошириш билан бирга партия ғоя ва дастурларини тарғиб этишнинг янгича услубларини ўргандик. Бу партия кадрлари захирасини шакллантиришда ҳам ижобий самара беради.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ**

● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

***Касби Қашқадарё вилоятининг аграр соҳага ихтисослашган, иқтисодий жиҳатдан бақувват туманларидан бири саналади. Туманнинг умумий ер майдони 0,7 минг кв. метрни ташкил этади. Бугунги кунда ҳудудда 166800 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Шундан 94100 нафари меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол аҳоли 63400 нафарни, иш билан банд бўлганлар 31700, вояга етмаганлар эса 56100 нафарни ташкил этади.***

## Партия ижтимоий қатлами манфаатлари

### УНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб, жорий йилда туман миришкорлари 14500 гектардан 45000 тоннадан ортиқ ғалла етиштирди. 22300 гектар ерга экилган пахтадан 65400 тонна оқ олтин хирмони кўтариш режалаштирилган. Туманда миллий ҳунармандчиликнинг, айниқса, кулолчилик, тандирсозлик, гиламчилик, каштачилик, тикувчилик ва дўппидўзлик йўналишлари кенг тарқалган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Касбида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб бормоқда. Шу билан бирга туманда эришилган ютуқлар билан биргаликда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, тумандаги баъзи мутасадди ташкилотлар масъулларининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашишлари оқибатида айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида айрим муаммоларга дуч келишмоқда. Масалан, банк кредитларини олишда дуч келинаётган бюрократик тўсиқлар ва бошқа айрим сабаблар туфайли тумандаги 5094 та тадбиркорлик субъектидан баъзи бирлари ўз фаолиятини тўхтатган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, туманда мазкур масаланинг ечими ҳақида ўйлайдиган, муаммони ижобий ҳал қиладиган ёхуд бу борада ваколатли идораларга жўяли таклиф ёки ташаббус билан чиқадиган наҳот бирор сиёсий куч топилмаса?

Қизиқ, сайловолди Платформасида: "Партия ўз олдига қўйилган мақсадларга қуруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда фермерлар манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилади", деб тинмай ваъда берган ва шу туфайли ҳудудлардан нисбатан кўп ўрин олишга эришган ЎзЛиДеПчилар қаёкда қолишди экан? ЎзЛиДеПнинг туманда 506 нафар партия аъзосини бирлаштирган 46 та БПТ ва 10 нафар туман Кенгаши депутати бор. 18 нафари эса ЎзХДП депутатларидир. Айни шу ҳолат тумандаги ЎзЛиДеП фаоллари ва депутатлари тадбиркорлар фаолиятига беэътибор муносабатда бўлаётганликларига ёрқин далолат эмасми?

**ЎзЛиДеПнинг туманда 506 нафар партия аъзосини бирлаштирган 46 та БПТ ва 10 нафар туман Кенгаши депутати бор. 18 нафари эса ЎзХДП депутатларидир. Айни шу ҳолат тумандаги ЎзЛиДеП фаоллари ва депутатлари тадбиркорлар фаолиятига беэътибор муносабатда бўлаётганликларига ёрқин далолат эмасми?**

ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи туман Кенгаши сессияларининг бирортасида партия электоратини ўйлантираётган масалалар юзасидан жўяли бир таклиф ёхуд ташаббус кўтариб чиқишмагани ҳайратланарли.

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган, шарт-шароит ва имкониятлар берилаётган бир пайтда Касби туманидаги бундай ҳолатлар нафақат ЎзЛиДеП, балки бошқа сиёсий партиялар, хусусан ЎзМТДП ҳам ўз электорати манфаатлари йўлида жиддий муносабатда бўлишларини тақозо этади.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АЁЛЛАР ҚАНОТИ

## Спортсевар ёшлар

### “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” СОВРИНИ УЧУН БЕЛЛАШДИЛАР

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” ва Наманган вилоят Кенгаши ҳамкорлигида “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шиори остида “Миллий тикланиш соврини учун” спорт мусобақасининг республика босқичи ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Наманган вилоят Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” фаоллари, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, спорт усталари ҳамда спортсевар ёшлар иштирок этди.*

Тадбир партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, соҳага бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Мусобақани кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан ёшлар ва аёллар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунни наманганлик спортсевар ёшлар бир умр унутишмаса керак. Чунки “Миллий тикланиш соврини учун” ташкил этилгани спорт мусобақалари финал босқичининг вилоятимизда ўтказилиши ёшларнинг ҳақиқий спорт байрамида иштирок этишлари ва уни бевосита кузатишларига имкон яратди. Мазкур тадбир партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг давлат ва нодавлат тизимларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми, десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур беллашувлар мамлакатимизда ёшлар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Партиянинг мазкур йўналишдаги тадбирларидан ёшларни оммавий спортга жалб этиш, улар орасидан республика ва жаҳон чемпионатлари ғолибларини тайёрлаш, спортчи ёшларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқишлари ҳамда ўз олдига қўйган мақсадлари билан ўртоқлашиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар кўзлангани билан аҳамиятлидир.

— Миллий қадрият, урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш партиямизнинг бош ғояси ва устувор вазифаларидан саналади, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ханифа Зокирова. — Жумладан, мазкур “Миллий тикланиш соврини учун” ташкил этилган спорт мусобақасида миллий халқ ўйинларидан — тош қўйди, беш тош, минди ҳамда миллий кураш спорт тури ўрин олган. Бу эса ёшларимизда миллий спорт турлари, миллий халқ ўйинларига бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотишга хизмат қилади. Шунингдек, мусобақада ёшлар шахмат ва шашка, сузиш, югуриш ва футбол спорт турлари бўйича ҳам беллашдилар.

Қизғин баҳслар остида ўтган мусобақаларда ёшлар гуруҳларга бўлинган ҳолда бор куч ва маҳоратларини намойиш этдилар. Якунда биринчиликни “Омад” жамоаси қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин “Лочин” ва учинчи ўрин “Умид” жамоасига насиб этди.

Ғолибларга ЎзМТДП Марказий Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**



ТАРҒИБОТ

## Мафкуравий таҳдидларга қарши кураш

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН МУҲИМ ВАЗИФА

*ЎзМТДП Когон туман Кенгаши ҳамда “Чолоки” МФЙ ҳамкорлигида “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Ёшлар қаноти” ва “Аёллар қаноти” етакчилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.*

Давра суҳбатини ЎзМТДП туман Кенгаши раиси ўринбосари С.Фармонов кириш сўзи билан очиб, бугунги глобаллашув жараёнида турли йўллар ва воситалар билан миллий менталитетимизга таъсир этишга интилаётган ёт ғоялар, маънавий хуружлардан фуқаролар, айниқса, ёш авлодни асраш ва улар онгида маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб вазифа эканини таъкидлади. Маълумки, мафкуравий кураш, ахборот хуружлари каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиш, унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган зарарли оқибатлари ва таъсиридан сақланиш имконини беради. ЎзМТДП Когон туман Кенгаши депутати И.Эшов “Глобаллашув шароитида ёшлар маънавияти” мавзусида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— XXI асрда инсоният ўзи яратган ихтиро ва кашфиётлар боис маълум муаммо ҳамда зиддиятларга дучор бўлмоқда. Алоқа воситаларининг шиддат билан ривожланиши, компьютер, электрон почта, интернет, телерадио ва алоқа тизимлари тараққиёти ёш авлод дунёқарашига ғоявий таъсир ўтказиш хавфини ҳам кенгайтириб юборди. Шу боис, партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар, жумладан, бугунги глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятини ёт ғоялардан асраш, улар онгида тарихий анъаналар ва миллий қадриятларимизга асосланган мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси Ҳ.Шарипов “Ахборот хуружлари ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири” мавзусидаги маърузасида интернет тармоғидаги салбий омиллар тўғрисида тўхталди:

— Бугунги кунда интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, айниқса, ёш авлод дунёқарашига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар кўпайиб бормоқда. Жумладан, мутахассислар маълумотларига кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузлик, 41 фоизи жангари характерга эга саналади. Шу боис ёшлар бундай сайтлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир, - деди нотиқ.

Тадбирда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ахборотни саралаш ва ундан онгли равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда эса ОАВ масъулиятини янада кучайтириш талаб этилади.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Маънавий мерос

### УНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ЭЪТИБОРИДА

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида босқичма-босқич кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда сиёсий партиялар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қонун ва давлат дастурлари мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тарғиб қилиш орқали фаол иштирок этишга интилмоқдалар.***

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар Кенгаши таркибида 1160 нафар партия аъзосини бирлаштирган 34 та бошланғич партия ташкилоти ана шундай эзгу мақсадлар йўлида фаолият кўрсатмоқда. Бунга Самарқанд шаҳридаги “Bilm-Orzu” хусусий корхонасида тузилган қуйи бўғин фаолияти яққол далил бўла олади. БПТ партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда самарали фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг май ойи ҳолатига кўра қуйи бўғин 32 нафар ЎзМТДП аъзосини бирлаштирган бўлса, олти ой якунида улар сони 45 нафарга етди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мазкур БПТ ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан 2011 йил якунига кўра ўтказилган “Энг намунали бошланғич партия ташкилоти” республика кўрик-танловида учинчи ўринни қўлга киритди.

— Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, - дейди БПТ етакчиси Х.Маҳкамова. — Бу ўз навбатида бошланғич партия ташкилотлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда партия шаҳар ва вилоят Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга интилаяпмиз. “Миллий қадриятлар маънавият пойдеворидир”, “Ёшлар — бизнинг келажагимиз”, “Ёшларни оилавий ҳаётга ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатдан тайёрлаш мезонлари”, “Депутатлик сари илк одимлар”, “Хотин-қизлар фаоллиги — давр талаби” каби мавзуларда мунтазам тарғибот тадбирлари ўтказаяпмиз.

Бошланғич партия ташкилоти томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, баркамол авлодни бой тарих ва маънавий меросимиз билимдони қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик, халқимизнинг азалий қадрият, анъана ва урф-одатларига нисбатан ҳурмат туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳудудда миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш, туризмни тараққий топтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан бир гуруҳ миллий ҳунармандчилик йўналишида таҳсил олган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг каштачилик ва зардўзлик бўйича ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

— Партия дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилишда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш зарур, - дейди БПТ фаоли О.Жуманазаров. — Бу ўз навбатида қуйи бўғин етакчиси ва фаолларидан ташаббускор ва фидойиликни талаб этади.

**Бошланғич партия ташкилоти томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, баркамол авлодни бой тарих ва маънавий меросимиз билимдони қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик, халқимизнинг азалий қадрият, анъана ва урф-одатларига нисбатан ҳурмат туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

## Озод ва обод Ватан — барчамизники

### ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА

#### БУХОРО

Жорий 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши айни халқимиз орзу-истагининг рўёби бўлди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда оиланинг ўрни, ижтимоий моҳияти, ахлоқий-тарбиявий роли, ёш авлодни аждодларимиз яратган эзгу анъаналар руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

ЎзМТДП Бухоро вилоят ва шаҳар Кенгашлари “Ёшлар қаноти”, Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда вилоят ОИТС маркази ҳамкорлигида “Мустаҳкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучидир” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси Ҳ.Шарипов оила маънавияти — халқ маънавиятини белгилаши, шу маънода, оила ва Ватан тушунчаларининг ўзаро бир нуқтада туташиши, миллий ўзликни англаш ва ифтихор туйғуларини тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида вилоят ОИТС маркази санитария тарғибот врачи Д.Сатторова “Соғлом муҳит — инсон саломатлигининг бош омили” мавзусидаги маърузасида оилада соғлом турмуш тарзини таъминлаш, оилани режалаштириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш зарурлигига эътибор қаратди. Шунингдек, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Б.Каримов “Оила — жамият барометри” мавзусида маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида оилалар тинч-тотувлигини таъминлашда маҳалла институтининг ўрни, оила психологияси ва эстетикасининг аҳамияти тўғрисида гапирди.

Тадбирда партия фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва вилоят ОИТС маркази ҳамда Ўзтелеком ОАЖ “Бухоротелеком” филиали ходимлари иштирок этди.

#### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Ғузор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб “Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари ҳамда “Сунбулабегойим” ўқув маркази ходимлари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Ғузор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси F.Аллаев истиқлол, унинг қўлга киритилиш тарихи ва мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга эътибор қаратди. — Президентнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, янги тарих ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни эртамиз эгаларига тушунтириш борасида партия томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ёшлар қалбида бу ёруғ кунларнинг шукронаси билан яшаш ҳисси уйғонмоқда. Бу тарғибот тадбирлари ва давра суҳбатларида ёшларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топмоқда, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришгач, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида янгиланиш ва ўзгаришлар содир бўлди. Ҳар бир шахс ўз танлаган касби орқали фаровон ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлди. Шундай экан, бугунги кун ёшлари ҳар томонлама етук бўлиши ва яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим.

Йиғилишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш йўналишидаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги эътироф этилди. Зеро, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи ва равнақи йўлида меҳнат қилиш ҳар бир буюк юрт фарзандининг шиоридир.

#### ЖИЗЗАХ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳамда инсон эркинликларини акс эттирувчи тадбир, давра суҳбатлари республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. ЎзМТДП Янгиобод туман Кенгаши томонидан “Шу озод ва обод Ватан — барчамизники” мавзусида ташкил этилган тадбирда партия туман Кенгаши вакиллари, “Камолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ходимлари, “Ҳўжамукент” ҚФЙ фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, истиқлол эркимиз, динимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берди. Шу боис ёш авлод қалбида шу азиз неъматларнинг қадрига етиш каби эзгу туйғуларни шакллантириш, Ватан тақдирини ўз тақдири билан чамбарчас боғловчи ватанпарвар ёшларни ЎзМТДП сафига жалб қилиш партия етакчилари олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради.

— Юртимизнинг сўлим гўшалари жуда кўп, - деди ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Абдураҳмонова. — Бундай юртда вояга етаётган ҳар бир инсон ўз ватанининг тарихи, қадимий ёдгорликлари, унинг миллий анъана ва қадриятлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим. Шу боис партия туман Кенгаши ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадида турли тадбирлар ташкил этмоқда. Жиззахнинг тарихий, маданий ёдгорликлари ҳақида видеороликлар тайёрлаб, эртамиз эгаларининг маърифий-маънавий билимларини оширишга кўмаклашяпмиз. Зеро, ўз тарихини яхши билган ёшлар буюк ишларга қодир бўлади.

Тадбир Ватан мадҳи акс этган куй-қўшиқларга уланиб кетди.

#### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Данғара туман Кенгаши ва “Қора-кўрпа” МФЙ ҳамкорлигида “Концепция — партия фаоллари нигоҳида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да илгари сурилган устувор вазифалар ижроси, бу борада партия туман Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларни танқидий-таҳлил қилиш ва ёшларга ушбу маърузанинг жамият тараққиётини белгиловчи дастуриламал эканини тушунтириш мақсадида ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, маънавият тарғибот маркази туман бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда “Камолот” ЁИҲ туман бўлими кенгаши вакиллари ва “Қора-кўрпа” МФЙ фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, жамиятни демократлаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, хусусан, кўппартиявийлик тизими шакллантирилиб, демократик жараёнларнинг янги поғонага кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Концепция барча соҳа вакилларини миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган, унинг тараққиёти ва равнақи йўлида бор салоҳиятини ишга солишга тайёр фидоийларни жамлаган ЎзМТДП аъзоларидан янада фаоллик ҳамда ташаббускорликни талаб қилиши эътироф этилди.

— Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди, - деди ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси И.Исақов. — Унда белгиланган вазифалар рўёби мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа — дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишга хизмат қилади. Мазкур тажриба мамлакатни демократия тамойиллари асосида изчиллик билан самарали ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича намуна бўлиши, шубҳасиз.

Тадбирда иштирокчилар чекка ҳудудларда ҳам Концепция мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғиб этишни янада кучайтириш таклифини билдиришди.

**Ш.ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

**КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ**




## Чет эл сармоялари

### УНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш 3 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса 2 баробарга ўсди. Хусусан, 2000 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 24,1 фоизга етди, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси эса 37 фоиздан 50,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг "Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўналишида қатор устувор вазифалар белгиланиб, ишлаб чиқилиши зарур бўлган қонунлар бўйича концептуал ғоялар асослаб берилди.

Концепциянинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда иқтисодий соҳада ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш авваламбор юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурда 50 млрд. долларга яқин 500 дан ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, 25,7 млрд. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиш орқали саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 28 фоизга етказиш кўзда тутилган. Дастурни рўёбга чиқаришда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш орқали экспортнинг барқарор ўсиб боришини таъминлаш, ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш, саноат корхоналарини юртимизнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, саноат маҳсулотининг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш каби вазифалар белгиланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёда кечаётган глобал иқтисодий инқироз боис, ҳатто ривожланган давлатлар ҳам ўз иқтисодиётининг ўсишини эмас, балки тиклаш йўлларини қидирмоқдалар. Бу каби давлатларда ички омиллар чегаралангани натижасида ташқи омиллардан бири бўлган чет эл инвестицияларини иқтисодиётига жалб қилишга интилмоқдалар. Лекин кўпгина ҳолларда бу ҳам ўзини оқламаяпти. Чунки, уларда сиртқи омилларни жалб қилиш имкониятлари ҳам чекланганлиги кузатилмоқда.

Албатта, инқироз шароитида чет эл инвестициялари авваламбор қонуний жиҳатдан мустаҳкам, иқтисодий имкониятлари кенг, инфратузилмага эга бўлган ва инсон ресурслари ривожланган давлатларга оқиб ўтмоқда.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистонда инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида 50 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Хусусан, "Концессиялар тўғрисида"ги, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонунларни айтиб ўтиш мумкин.

1991 йилда иқтисодиётга солиқ юки 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 22 фоизга (мисол тариқасида ушбу кўрсаткич Буюк Британияда 35,7 фоизни, Германияда 36,4 фоизни, Францияда 43,1 фоизни ташкил этади) камайган. Бундан ташқари барча манбалар ҳисобига 2011 йилда қиймати 10,8 млрд. доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этди. Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри ташқи омиллар эканлиги амалга оширилаётган фаол инвестицион сиёсатнинг натижаси деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит чет эллик инвесторларни янги илғор тармоқлар ва корхоналарга жалб этиш орқали 5000 дан зиёд янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди, Хусусан, АҚШнинг "General Motors" компанияси ҳамкорлигида Асака шаҳридаги енгил автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда ушбу компания билан ҳамкорликда Тошкентда юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона, Самарқанд шаҳрида Японияning "Isuzu" компанияси ҳамкорлигида автобус, Германиянинг "MAN" компанияси билан юк ташиш автомобилларини ишлаб чиқариш корхоналари, Франция компанияси билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, АҚШ билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуаси, Хитой халқ Республикаси билан Қўнғиротда сода ишлаб чиқариш заводи, Япониянинг молиявий институтлари ҳамкорлигида янги Тошгузар-Бойсун-ҚумҚўрғон темир йўл қурилиши, Ҳиндистон, Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда 40 дан зиёд текстил мажмуалар, "Зенит Электроникс" қўшма корхонасида Кореянинг Samsung кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб йирик лойиҳаларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан сўнг ушбу ҳудудда барча зарурий ташқи ва ички инфраструктуралар, жумладан, автомобиль йўли, темир йўл, сув, газ, электрэнергия, канализация тизимлари барпо этилди. Юкларни божхона кўригидан ўтказиш ишини олиб бориш, ҳужжатларни расмийлаштириш учун божхона пости қурилиши ишлари якунига етказилди. "Навоий" эркин индустриал иқтисодий зонадаги 12 та корхонада тайёр турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун юқори даражада қулай инвестиция муҳити яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларга солиқ имтиёзлари қўллаш, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш юзасидан қатор имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига кириш визаларини расмийлаштириш ҳамда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан фойдаланиш имкониятлари бўйича қўшимча имтиёзлар қўллаш белгиланган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, авваламбор, замонавий технологиялар асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, миллий маҳсулотлар экспорти ўсишини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳаси улушини ўсишига хизмат қилувчи соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бу борада Президент томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш, соҳадаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш ва шу орқали электорат манфаатини ҳимоя қилишга интилади.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

## Давлат дастурлари

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Жорий "Мустаҳкам оила йили" халқимиз ҳаётида ўзининг мазмун-моҳияти ва кўлами жиҳатдан бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган воқеалар, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи ислоҳотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг давомийлиги билан ёдимизда қолади. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги, унда соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Жисмонан ва маънан соғлом ёшлар эса жамият тараққиётининг асосини ташкил этади.***

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади". Ушбу пурмаъно сўзларда халқимизнинг оилага бўлган меҳр-муҳаббати, ўлмас урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топган. Боиси меҳнатсевар, жонкуяр ва болажон халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида қадрлайди. Унинг мустақиллигини, тотувлигини, тинч ва осудалигини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилади. Президент томонидан 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини яққол намоён этиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида юртимизда оилага бўлган эътибор ва ғамхўрлик янги босқичга кўтарилди. Энг муҳими, оиланинг жамиятдаги ўрни ва масъулияти янада ортди. Оилани ижтимоий аҳамиятга эга институт сифатида такомиллаштириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби тўла-тўкис оилага, унинг муносабатларига қаратилган.

Оилада таълим ва тарбия тизими тўғри олиб борилса, бола онгида, қалбида маънавият ва маърифатнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Бу нафақат шу оиланинг, балки жамиятнинг фаровонлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. 2012 йилнинг мақсад ва муддаоларида ҳам юксак маънавиятли, ахлоқ-одобли, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш ғояси илгари сурилган.

Ўзбекистонимизнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига бугун олам ҳавас билан қарамоқда. Ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари қатори қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида танилган машҳур олимлар, халқаро экспертлар иштирок этишди. Халқаро симпозиумнинг Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Бу ўз навбатида жуда катта эътироф. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, фуқаролар саломатлигини асраш борасида эришилаётган ютуқларга кўпгина давлатлар ҳавас билан қарамоқда. Оналик ва болаликка эътибор — оилага эътибордир. Буни бугун кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этишмоқда. Дунё миқёсида ўз ўрни, обрў ва эътиборга эга бўлган "Save the children" (Болаларни асрайлик) Халқаро ташкилоти жаҳондаги 160 дан ортиқ мамлакат ичида Ўзбекистонни оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш борасида кучли 10 та мамлакат қаторига қўшгани бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотларнинг самарасидир.

Фаолиятимиз давомида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб туманда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, ижтимоий хавфли касалликларга барҳам бериш юзасидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Туманда 33 та қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли марказий поликлиника, сил касалликлари диспансери ва марказий шифохона аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими эса 75 минг АҚШ доллари миқдоридаги Япония гранти ҳисобидан энг сўнгги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастурига асосан туманда якка тартибдаги врачлик фаолиятини кучайтириш, нодавлат хусусий секторларини ривожлантириш ишлари ҳам давом эттириляпти. Тизимда ходимлар малакасини ошириш, шифокор-мутахассислар билан таъминлаш борасида ҳам ижобий ишлар қилинди. 3 нафар шифокоримиз Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, яна 3 нафари АҚШга бориб малака ошириб келди.

Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарор бўлади. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, шубҳасиз фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, соғлом бўлиб тарбия топишига, оилада тиббий маданиятнинг юксалишига, жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига хизмат қилади. Биз шифокорлар эса аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун бор куч ва билимимизни аямаймиз.

**Эркин ЎРИНОВ,**
**Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи,**
**ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати**

**МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ**

## Юртимиз истиқболи

### БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

***Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз имкониятларини намоён этмоқдалар. Улар эришаётган муваффақиятлар замирида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ётгани барчамизга маълум. Ёшларни ўзининг ижтимоий-сиёсий жараёнлар марказига қўйган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ватанпарвар, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган, ташаббускор, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимли, етакчи кадрлар захирасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

Ана шундай фидойи, меҳнаткаш, иқтидорли ёшлардан бири Ойбек Қурбоновдир. 24 ёшида сайловчилар ишончини қозонган Ойбек ЎзМТДПдан халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгашига депутат этиб сайланди. У партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, амалдаги қонунлар, Президент қарор ва фармонлари мазмун-моҳияти ҳамда жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан ўз ваколати доирасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, у халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссияси раиси сифатида 2011-2012 йиллар мобайнида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида туманда 16 та мактаб янгидан қурилишига, 17 та мактаб капитал реконструкция, 18 та мактаб капитал ва 18 та мактаб жорий таъмирланишига мутасадди ташкилотларга яқин кўмакдош бўлди.

О.Қурбонов ўтган йили сайловчилар билан учрашувларда сайловчиларни ўйлантираётган баъзи муаммоларни ижобий ҳал этишга эришди. Жумладан, Гумбулоқ қишлоғида "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан қуриб фойдаланишга топширилган цехга ишга жойлаштириш, ҳудудда электр энергия таъминотини яхшилаш борасидаги айрим масалалар ўз ечимини топди.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бой тарихий ўтмишимиз ҳақида тушунчалар бериш, уларни ватанпарвар, халқига садоқатли фарзандлар бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш мақсадида Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тарғибот тадбирларини ташкиллаштиришда ташаббускорлик кўрсатмоқда. Шунингдек, депутат "2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" ва жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган печенье, қандолат маҳсулотлари, макарон ҳамда лампа ишлаб чиқариш цехларига ҳудуддаги Гумбулоқ ва Навобод қишлоқларида яшовчи 15 нафар, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводига эса 3 нафар ёшни ишга жойлаштиришга кўмаклашди.

Қолаверса, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига ўз ваколати доирасида шу соҳага масъул бўлган идораларга кўмаклашмоқда. Хусусан, аҳолини арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 январдаги "2008-2012 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш юзасидан Бешбулоқ қишлоғига Хитойдан 183 млн. сўмлик пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ускунаси олиб келиб ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. Натижада мини заводда 25 нафар ёш иш билан таъминланди. Мазкур заводда бир йилда 35 млн. дона пишиқ ғишт истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари туманда фаолият кўрсатаётган «Бахтиёр Самадов Равшанович» ихтисослаштирилган таъмирлаш қурилиш ишлаб чиқариш корхонасига имтиёзли кредит олиб бериш учун вилоят ҳокимига депутатлик сўрови киритиб, 60 млн. сўмлик кредит ҳисобига Италия технологияси келтирилди. Ушбу технология табиий тошлардан деворбоп безакли тошлар (Травертин плиталар) ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Корхонага Чучуккудуқлик 16 нафар ёш ишга жойлаштирилди.

Мухтасар айтганда, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамият ҳаётида содир бўлаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш сингари улкан эзгу мақсадларни кўзлаган Ойбек Қурбонов каби барча ёшлар мамлакатимизнинг порлоқ келажаги таянчларидир.

**Абдулла НАБИЕВ,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

ФАОЛИЯТ

# Миллий мебеллар

## ШУ ЕРДА ВА ШУ ЕРНИНГ МАҲСУЛОТИДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл ва имкониятлар очилган. Ушбу қулайликлардан самарали фойдаланиб келаётган оилалар сони эса кун сайин ошиб бормоқда.***

Самарқанд туманининг Мотрит қўрғонида яшовчи Жўрахон Аффаков ёшлигиданоқ ёғочдан ром, эшик ва дарвозалар ясашга қизиқди. Шу ҳунар ортидан моҳир уста сифатида халқнинг тилига тушди. Мустақиллик шарофати билан юртимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор натижасида 1997 йилдан ака-укалари билан бирга мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ишлари юришиб, имкониятлар кенгайгач 2008 йилда "Мотрит мебель" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Ҳозирги пайтда бу ерда 40 турдаги ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, турли хил офис ҳамда меҳмонхоналар учун мўлжалланган бежирим ва сифатли жиҳозлар тайёрланаяпти. Хориж инвестициялари эвазига Хитойдан келтирилган ускуналар ўрнатилгач, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш қуввати янада ошди. Дастлаб ойига 8 миллион сўмлик мебель сотилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 15 миллиондан ошиб кетди. Корхона мебеллари банк кредитлари асосида ҳам харидорларга сотилмоқда. Бу имкониятдан ёш оилалар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Бундан ташқари, яқинда "Сам Авто" заводининг 10 нафар ёш оилалари ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиб қолишди.

— Маҳсулотларнинг сифатлилигини таъминлаш мақсадида асосан ўзимизда етиштирилаётган чинор ва ёнғоқ дарахтидан фойдаланаяпмиз, - дейди МЧЖ раиси Жўрахон Аффаков. — Келгусида ишлаб чиқариш имкониятларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бу борада бизга "Ипак йўли", "Умар" минтақавий банки молиявий кўмак бериб келмоқда. Ишни йўлга қўйишимиз учун 150 миллион сўмлик банк кредитини олдик. Бунинг натижаси ўлароқ, корхонамизга замонавий ускуналар келтирилди, ишлаб чиқариш сифати ва кўлами ошди, энг асосийси, аҳолига истеъмол кредитлари бериш каби имкониятларимиз кенгайди.

Корхонада иш унуми ва маҳсулот сифатининг ошиб боришида бошқа омиллар ҳам бор. Жўрахон аканинг айтишича, бу ерда меҳнат қилаётган 22 нафар ходимнинг аксарияти ҳунармандлар сулоласи вакиллари экан. Шу боис уларнинг ишида унум ва барака бўлаяпти. Лекин корхона асосий эътиборни маҳсулотнинг сифатига қаратмоқда. Чунки сифатли маҳсулотнинг харидори кўп. Хариди кўпнинг эса иқтисоди бақувват бўлади. Бу тамойил жамоа учун темир қоидага айланган. Бу ерда ишлаётган Рустам Болтаев, Илҳом Эгамбердиев, Жаҳонгир Турдиқулов, Комил Ғаниев, Толибжон Искандаров сингари ҳунармандлар сулоласи вакиллари ҳам касб сирларини мукаммал ўрганишмоқда. Мухтасар айтганда, бугун юртимизда ишлайман, юрт ривожига ўз улушимни қўшаман, деган инсонга ҳамма эшиклар очиқ. Халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган хайрли ва ибратли ишлар учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

СПОРТ

# "Соғлом оила — соғлом фарзанд"

## ОИЛАВИЙ СПАРТАКИАДА АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ



***Яқинда Жиззах шаҳар олимпия захиралари касб-ҳунар коллежида "Мустаҳкам оила йили"га бағишланган "Соғлом оила — соғлом фарзанд" шиори остида вилоят касб-ҳунар коллежлари педагоглари ўртасида оилавий спартакиада ўтказилди.***

Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларни ўзида ифода этган спартакиада уюшқоқлик билан ўтказилиб, вилоят босқичида энг саралар қатнашди. Мусобақа очилишида бадиий гимнастикачиларнинг чиқиши кўпчиликка қувноқ кайфият улашди. Қизиқарли баҳсларга бой ўтган тадбирда ҳар бир оила вакиллари биринчилик учун муросасиз кураш олиб боришди.

Дастлабки шарт — югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш бўйича мусобақага старт берилди. "Чаққонлик ва мерганлик" эстафетаси ҳам қизиқарли тус олди. Навбатдаги шартлар — "Моҳир ҳужумчи", "Овчилар ва қуёнлар" ўйини, "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз" ҳамда кўпкураш мусобақалари билан спартакиада давом эттирилди.

Спартакиаданинг вилоят босқичида иштирок этган Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи педагоги Мунира Тоштемирова, унинг турмуш ўртоғи, нафақахўр Жўрабек Холмўминов ва қизи Ирода биринчиликни қўлга киритиб, республика оилавий спартакиадасида ҳам иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежи педагоглари Бахтиёр Миллаев, Мустафо Ҳайитов ва Алижон Халанов оилалари ҳам вилоят бўйича ўтказилган спартакиадада фаол иштирок этди.

— Бундай мусобақалар фақатгина кундалик меҳнат фаолиятимизда эмас, ўзимиз, оиламиз, соғлигимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз кераклигини эслатиб туради, - дейди республика оилавий спартакиадаси қатнашчиси, педагог Мунира Тоштемирова. — Биз Жиззах шаҳар "Иттифоқ" маҳалласида яшаймиз. Бу ерда ҳар бир оила ўз саломатлигига алоҳида эътибор бериши туфайли мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқдамиз.

Тақдирлаш маросимида барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

ХАЛҚАРО ФОРУМ

# Божхоначилар машварати

***Жорий йилда Жаҳон божхона ташкилоти ташкил этилганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан Венгрия Солиқ ва божхона маъмурияти томонидан илк маротаба "Ўтмишсиз келажак йўқ!" мавзусида халқаро форум ташкил этилди.***

Форум дунё давлатлари божхона хизматлари, божхона музейлари фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш ва келгусида божхона хизматларининг музейлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, Венгрия Солиқ ва божхона маъмурияти ташаббуси билан илк маротаба ташкил этилган форумда Австрия, Озарбойжон, Венгрия, Германия, Италия, Литва, Македония, Молдова, Словакия, Словения, Украина ва Ўзбекистон божхона хизматлари иштирок этди.

Учрашувнинг Венгрияда ташкил этилиши бежизга эмас. Бугунги кунда 23 минг нафардан иборат ходимларни ўзида бирлаштирган Венгрия божхонаси салкам 1,5 асрлик тарихга эга. Венгрия божхонаси тарихини акс эттирувчи илк музей эса бундан 82 йил муқаддам – 1930 йилда ташкил этилган.

Форум Жаҳон божхона ташкилотининг Венгрия Солиқ ва божхона маъмурияти ҳузуридаги ҳудудий ўқув марказида бўлиб ўтди. Унда ҳар бир давлатдан ташриф буюрган вакиллар ўз музейларининг ташкил этилиши ва ривожланиши бўйича кўргазмали тақдимотларни амалга оширишди. Тақдимотлар давомида божхона хизматларининг турли тарихий даврлардаги фаолияти ва тараққиётини ёритиб берувчи экспозициялар намойиш этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ОАВ билан алоқалар бўлими катта инспектори, божхона хизмати капитани Мастура Абдуллаева қўмита қошида ташкил этилган "Божхона тарихи" музейи хусусида батафсил кўргазмали маъруза қилди. Унда "Божхона тарихи" музейида акс эттирилган Ўзбекистон ҳудудида божхона хизматининг шаклланиши, унда Буюк ипак йўлининг тутган ўрни, Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ташқи савдога кўрсатилган юксак эътибор, хонликлар, Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ даврида тизимда рўй берган ўзгаришлар ҳамда мустақиллик йилларида божхона соҳасида амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинди.

Форум давомида иштирокчи давлатларнинг божхона хизмати фаолиятини акс эттирувчи ўзига хос "кўчма музей" сифатидаги экспонатлар кўргазмаси ташкил этилди. Учрашувда иштирок этган божхона хизматларининг аксарияти мазкур форумнинг ташкилотчиларидан бири — Халқаро солиқ ва божхона музейлари ташкилоти (IACM) аъзоларидир. 1993 йил Данияда ташкил топган мазкур нуфузли бирлашмага бугунги кунда дунёнинг 20 га яқин давлатлари аъзо бўлган.

Учрашув якунида иштирокчилар ўртасида ҳамкорлик декларацияси имзоланди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

# ЖАРАЁН

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ



(ЎзА) олган сурат.

# Соғломлаштириш оромгоҳлари

## УЛАРДА УЧ ЯРИМ МИНГ НАФАРГА ЯҚИН ЎҒИЛ-ҚИЗ СОҒЛИГИНИ ТИКЛАЙДИ

***Шу кунларда табиатнинг сўлим, хушманзара масканларида жойлашган оромгоҳлар болажонларга ўз қучоғини очмоқда. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг ёзги таътил кунларида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча чора-тадбирлар ишга солинаяпти.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 март куни эълон қилинган "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ёзги дам олиш мавсумида 260 минг нафардан зиёд ўқувчи 878 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди. Ушбу оромгоҳларнинг 217 таси юртимизнинг тоғли, хушманзара, соя-салқин ҳудудларида жойлашган бўлиб, уларда фарзандларимизнинг мириқиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Қарорга асосан 673 та мактаб, 71 та касб-ҳунар коллежи қошида кундузги оромгоҳларнинг фаолият олиб бориши мўлжалланган.

Сирдарё вилоятида ҳам болажонларнинг ёзги дам олиш мавсумида яхши ҳордиқ чиқаришларига катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда вилоятда 6 та шаҳар ташқарисида, 13 та коллеж ва мактабларда ташкил этилган бўлиб, болажонларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароитлар яратиб берилди. Хусусан, соғломлаштириш оромгоҳларида 3460 нафар ўғил-қиз дам олиб, ўз соғлигини тиклаб олдилар. Бу эса ўтган йилга нисбатан 1000 нафарга кўп демакдир. Барча оромгоҳларда келажагимиз эгаларининг ёзги мавсумини сермазмун ва файзли ўтказишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Сирдарё туманидаги Сирдарё бўйида жойлашган "Меҳнат" дам олиш маскани ҳудудидаги 4 та — "Турон", "Бургутча", "Оқолтин", "Сирдарё" оромгоҳлари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Таъмирлаш ишларида 4 та қурувчилар бригадаси икки сменада ишлади. Таъмирлаш ишлари учун Республика Касаба уюшмалари Федерациясидан 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Оромгоҳдаги ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари сифатли таъмирланди. Улар янги мебель жиҳозлари, спорт анжомлари ва дори-дармон воситалари билан таъминланди. Улар қошидаги кутубхоналар эса энг янги бадиий адабиётлар билан тўлдирилди. Корхона-ташкилотлар ўз тасарруфидаги болалар дам олиш масканларини тиклаш, таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасида катта ишлар бажарилди.

— Мавсум давомида 1000 нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олади, - дейди "Гулистон" оромгоҳи раҳбари Қодир Холбоев. — Болажонларнинг ёзги таътил кунларини қувноқ ва эсда қоларли тарзда ўтказишлари учун қизиқарли тадбирлар режаси тузилган. Спорт майдонлари, ўйингоҳ, кутубхона мавсум давомида улар хизматида бўлади. Қолаверса, оромгоҳларда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад битта — фарзандларимизнинг дам олишларини ҳар томонлама мазмунли, эсда қоларли ўтишини таъминлашга эришишдир.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

МЕНТАЛИТЕТ

# Оилада ота-онанинг ўрни

## АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРИМИЗДА ИНОБАТГА ОЛИНГАН

***Бугунги замон тараққиёти ҳар бир шахсдан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида фаол бўлишни тақозо этмоқда. Маълумки, шахснинг ижтимоий, эмоционал, ҳақиқий ва бошқа сифатлари, инсоний фазилатлари оилада шаклланади. Азалдан муқаддас даргоҳ саналган оила ва келажак авлодга эътибор халқимизнинг миллий қадриятига айланган. Аждодларимиз доимо мустаҳкам оила қуриш, насл соғломлиги, болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш орзуси билан яшаганлар.***

Оилада ота-она ва фарзандлар ўртасида ўзига хос муносабатлар таркиб топади. Ҳар бир бола оилада яшаш, тарбияланиш, ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланишга ҳақли бўлганидек, ота-она ҳам бола тарбияси ва парвариши учун масъулдир. Аммо, бола бирор сабаб билан ота-онасиз қолсачи? Бундай ҳолда боланинг тақдири нима кечади, ким унга ғамхўрлик қилади? Халқимиз — болажон халқ. Албатта, ҳеч ким бефарқ бўлмайди, қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй дегандай. Етим қолган болаларни давлат ўз қарамоғига олади. Етим болаларни қариндош-уруғлари, маҳалладаги ўзига тўқ, намунали оилалар ҳам қарамоғига олишади.

Президентимиз айтганларидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари ётади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар ҳуқуқий билимларини босқичма-босқич ошириб бориши ва ўз ҳаётига татбиқ эта олиши лозим. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ".

Албатта, дунёда қанча халқ бўлса, ҳар бирининг ўзига хос урф-одати ва қадриятлари бор. Лекин оилага нисбатан ўзбекона муносабатни ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Айнан шундай хислатлар, жумладан, оилада ота-онанинг ўрни амалдаги барча қонунларимиз, хусусан 1998 йилдан кучга кирган Оила кодексида инобатга олинган.

**С.АЛИҚУЛОВ,**
**Жарқўрғон тумани ФҲДЁ мудири вазифасини бажарувчи**

КЎРГАЗМА

# Фотосуратларда ҳаёт акси

## 113 ТА ФОТОАСАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

***Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академиясининг рассомлар ижодий бирлашмаси томонидан Михаил Левковичнинг "Мен ҳамиша суратга олишни хоҳлардим" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.***

Михаил Левкович 1947 йилда туғилган. Илмий ходим — физик. Молекулалар қурилиши ва Ўзбекистонда ўсадиган гиёҳлардан дори воситалари тайёрлаш билан шуғулланади. Фото унинг эркин ижодий иши. Фото иши билан шуғулланишни мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ бошлаган. Илмий фаолияти давомида ҳам олган фотосуратларидан кенг фойдаланади. Фото бўйича турли кўргазмалар қатнашчиси. Тўрт марта шахсий фотокўргазма ўтказган. 2010 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкор фоторассомлар секцияси (шўъбаси)нинг аъзоси. Ҳозирги вақтда Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотография студия-мактабида дарс бериб, миллий кадрлар тайёрлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кўргазмага суратқашнинг 113 та турли ижодий қирраларини ўзида ифода этган фотоасарлари қўйилган. Уларда шаҳар, гуллар, аёллар регбиси, мусиқа сеҳри, хотира ва қадрлаш, миллий қадриятларимиз, санъатимиз вакиллари туркумидаги фотосуратлар ўз аксини топган. Шунингдек, "Лик" театр-студияси фаолиятининг айрим қирралари, самимий инсонийлик руҳи уфуриб турган фотолавҳалар киши эътиборини тортади. Табиат манзаралари акс этган қатор фотосуратлар ҳар қандай томошабинга завқ бағишлаши шубҳасиз.

Экспозициядан жой олган кўплаб фотосуратларда муаллиф маҳорати, фақат унгагина хос ижодий қиёфа сезилиб туради. Унинг асарларида ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларига, айниқса, доимий ва универсал мавзуларга алоҳида эътибор қаратганлиги яққол кўзга ташланади.

Кўргазма шу йилнинг 14 августига қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

MILLIY TIKLANISH 7

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

*"Бугунги кунда одамларнинг эҳтиётсизлик билан ўрмонларда гулхан ёқиши, чекиши, ёшлар қўлига турли ёнғинларни келтириб чиқарувчи воситаларнинг тушиши жойларда ҳеч қачон вақт танламайдиган тилсиз ёвларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Урбанизация натижасида турар-жой бинолари қурилишининг ўрмон ҳудудларигача етиб келиши ҳам бундай ёнғинларда иқтисодий зарарнинг янада каттароқ бўлишига олиб келмоқда.*

**● БИЗНИНГ ШАРҲ**







## Ўрмон ёнғинлари табиий ҳодисами?

**ОЛИМЛАР ФИКРИЧА, ИҚЛИМНИНГ ИСИШИ ҚУРҒОҚЧИЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ЎРМОНЛАРДА ЁНҒИНЛАР ПАЙДО БЎЛИШ ХАВФИНИ ЯНАДА ОШИРГАН**

Бу борада табиий жараёнлар ҳам мавжуд. Одатда, ёз ва куз фаслларида ёнғинлар кўп рўй беради. Чақмоқ чақиши, вулқон отилиши ва ерости кўмир конларининг ёниши каби ҳолатлар ўрмонда ёнғин чиқишининг асосий сабабларидир. Ҳаводаги иссиқ оқимлар, қурғоқчилик, иқлим ўзгариши ҳам ёнғин келиб чиқишига олиб борадиган омиллардан. Қурғоқчилик даврида ерга тўкилган шохлар, хазонлар қуриб, тез ёнувчан ҳолга келади. Оқибатда табиий ёки бошқа сабабларга кўра ҳосил бўлган кичик учқун ҳам оз фурсатда бутун ўрмонга ёйилиши мумкин". Сайёрамизнинг турли минтақаларида содир бўлаётган кўплаб ёнғинларни кузатган олимларнинг хулосалари ана шундай.

Жорий йилги ёнғинларни ўчириш осон бўлаётгани йўқ. Айни пайтда Греция, Испания, Франция, Хорватия, Руминия, АҚШ, Португалия, Австралияда кучли ёнғинлар ўрмонлар кулини кўкка совурмоқда. Россия ҳудудларида рўй бераётган ёнғинлар фақатгина ҳаво ҳароратининг пасайиши туфайлигина назорат остига олинди. Аммо ҳудудлардаги экотизим бундай ёнғинлардан катта зарар кўриб, дов-дарахт ва ўсимликларнинг қирилиб, ўрнини бегона ўсимликлар эгаллашига сабаб бўлаётир. Сўнгги маълумотларга кўра, Испаниянинг жанубий-ғарбий қисмида рўй бераётган ўрмон ёнғинлари оқибатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бир нечта обидаларга жиддий зиён етган. Маълумотларга кўра, одамлар хавфсиз ҳудудларга кўчирилган, яна тахминан уч минг киши турар-жойини тарк этишга мажбур бўлган, айрим ҳудудларда таълим муассасалари, ҳокимият органлари вақтинчалик бошпанага айлантирилган. "Ўрмонларда ёнган ноёб дарахтлар ўрнини янгиси эгаллаши учун камида 40 йил керак бўлади", дейди Испания табиатни муҳофаза қилиш раҳбари Валенсии Иисус Кортес. Унинг фикрига кўра, ёнғин сўнгги кунларда Валенсия ва Мурсиядаги қарийб 500 гектарлик "яшил қалқон"нинг кулини кўкка совурган. Ўрмон ёнғинлари, айниқса, каталониялик фермерларга катта зиён етказмоқда. Эвакуация жараёнида 500 дан ортиқ қорамолидан айрилган фермер шундай дейди: "Қийналиб жон бермаслиги учун жониворларни ўлдиришимга тўғри келди, улар нафас олмасди — олов ва тутун деярли уларнинг ичини ёндириб тугатганди".

Валенсияда бир неча кундан буён давом этаётган ўрмон ёнғинлари боис ҳаво қурум аралаш ис газига «тўлиб» бормоқда. Ҳаводаги ис гази даражаси меъёрдагидан бир неча баравар ортиб кетган. Бу эса кишилар саломатлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Шунингдек, тутун қалинлигидан кўриш даражасининг пастлиги самолётлар парвозига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир ёнғин содир бўлаётган ҳудудларда ҳаво кенгликлари тутунга тўлгани боисми, сигарет савдоси пасайган. Бироқ бурунга тақиладиган тиббий ниқоблар, шамол парраклари ва кондиционерлар савдоси ортган. Кучли ёнғинлар, шунингдек, Португалиянинг Мадейра, АҚШнинг Нью-Мексико шаҳарларида кузатилмоқда.

Хорватиядаги вазият оғирлигича қолмоқда. Мамлакат тарихидаги сўнгги 20 йилдаги энг катта ёнғин Стриквеница курортига етиб келган бўлиб, бу ерда ёнғин билан кечаю кундуз кураш олиб борилмоқда. Руминия ҳукумати эса зарар миқдорини аниқламоқда: 115 гектар ўрмон ва мамлакатдаги 10 провинциядаги серҳосил ерлар ёниб кетган. Сўнгги маълумотларга қараганда, кеча шамол тезлиги янада кучайиб, ёнғинлар ҳудуди кенгайган. Куни кеча Австралиянинг шимолий-шарқий ҳудудидаги бепоён ўрмонзорида кучли ёнғинлар кузатилди. Олов миқёси шу қадар юқори эдики, баъзи ҳолларда одамлар уйларини тарк этишга ҳам улгуришмади, ўнлаб фермерларнинг йил бўйи етиштирган турли мева-чевалари, буғдойзорлар буткул кунпая-кун бўлди. Бир ҳафта давом этган ёнғинларни бартараф этиш учун 35 мингдан зиёд ўт ўчирувчилар, тиббиёт ходимлари жалб этилди. Ҳукумат офатдан азият чеккан аҳолига қарийб 10 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

Бутунжаҳон ёнғин статистика маркази маълумотларига кўра, дунёда бир йилда ўртача 1,7 миллион маротаба ёнғин кузатилади. Унинг аксариятини аҳолиси кўп ва ривожланган давлатлар ташкил этади. Хусусан, дунёнинг тараққий этган 20 та мамлакатида ёнғин талафотлари ва унга қарши кураш учун сарфланадиган харажатлар йилига ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 1 фоизини ташкил этади. Бу дунё иқтисодиёти йилнинг 3-4 кунини фақат ёнғинларни бартараф этишга сарфлаётганини англатади. Тадқиқотларга қараганда, ўтган 20-25 йилда ўрмон ёнғинлари 6-8 фоизга кўпайган бўлиб, унинг 80 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқ. Бугунги кунда бундай ёнғинлар АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Австралия, Германия ўрмонларида тез-тез учраб туради. 1997-1998 йилларда Индонезия, 2001-2002 йилларда Австралия ўрмонларида содир бўлган ёнғинлар келтирган зарар катталиги жиҳатидан ўрмон ёнғинлари тарихида алоҳида из қолдирди. Ушбу офат Индонезияда 75 миллион одамнинг ҳаётини издан чиқарди, улардан 40 минг нафари астма, бронхит, пневмония, кўз ва тери касалликларига чалинди. Етказилган зарарнинг умумий қиймати 9,3 миллиард доллар, деб баҳоланган.

Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари тезлиги, ёйилиши ва бошланишига кўра турлича бўлади. Айримларида олов ва чўғ парчалари шамол ёрдамида учиб, ҳатто йўл, дарёлардан ошиб, бошқа ҳудудларда янги оловларни келтириб чиқаради. Масалан, Жанубий Калифорниядаги ёнғин Санта Ана шамоли таъсирида бир кунда (соатига 60 км. масофагача тезликда) 4 кв. км. майдоннинг кулини кўкка совуриш кучига эга.

Ўрмон ёнғинларининг меъёрдаги даражаси ўрмон экотизимининг табиий бир қисми. Ёнғиннинг маълум даражаси, аслида, ўрмонларнинг қайта янгиланиши учун зарур, бошқача айтганда, улар табиатдаги мувозанатни тиклашга ёрдам беради. АҚШлик олимларнинг фикрича, ўрмонлардаги ёнғинларнинг маълум даражаси табиий бўлиб, бу яшил ўрмон ҳаёти учун фойдали. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда оловларни бутунлай ўчирмай, аксинча, уларни назорат остига олиш дастури асосида ишлар олиб борилади. Мутахассисларнинг фикрича, айрим ўсимлик-дарахтлар ёнғинлардан омон қолиш хусусиятига эга. Масалан, баъзи дарахтларда оловда куймайдиган махсус уруғлар бўлади. Ёки ёнидаги бошқа ўсимликлардан қутулиш учун айрим дарахтлар олов чиқариш хусусиятига ҳам эга бўларкан. Улар баргларида тез ёнувчан ёғ ишлаб чиқаради ва ўз атрофида аланга чиқиш хавфини оширади.

Маълумотларга кўра, бир гектар ўрмонзор йилига 18 миллион куб метр атмосфера ҳавосини тозалайди. Бир туп саксовул эса 5 тоннагача қум зарраларини ушлаб қолса, бир гектар дарахтзор ўртача ҳавога кўтарилаётган чангнинг 72, олтингугурт газининг 60 фоизини тутиб қолади. Бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай бекиёс инъоми неча-неча асрлардан буён инсониятга тоза ҳаво, мусаффо ҳаёт яратиб бермоқда. Аммо бепарволик, табиатга нисбатан шафқатсиз муносабат мувозанатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Гарчи бундай табиий офатлар минтақамиздан анча узоқларда содир бўлса-да, бу ёнғинларга нисбатан эътиборсиз бўлишликни англатмайди. Зеро, ёнғинлар Европа, борингки, Океан ортида юз берса ҳам унинг атмосферага, ҳавонинг ифлосланишига олиб келади. Демак, сизу биз нафас олаётган ҳаводан бутун инсоният ҳам баҳраманд бўлаяпти.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**«Milliy tiklanish» шарҳловчиси**

**● Мамлакат қанча кўп энергия ва ёқилғи истеъмол қилса, ёнғинлар ҳодисаси шунчалик кўп содир бўлиши аниқланган. Хусусан, жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроғи АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келади. Биргина АҚШ дунёдаги энг кўп ёнғинлар содир бўладиган мамлакатлар сирасига киради — ҳар йили 1,6-1,7 миллион атрофида. Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар тоифасига Буюк Британия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Голландияни ҳам киритиш мумкин.**

**● Антарктикадан ташқари барча қитъалардаги ўрмонлар Ер шаридаги қуруқликнинг қарийб 32 фоизини эгаллайди. Яшил салтанат бекиёс табиий бойликларга эга — ёввойи ўсимликлар мевалари, доривор ўсимликларни айнан шу ерлардан топиш мумкин. Ўрмон ресурсларининг қимматли маҳсулоти — бу саноат ва қурилишнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган, ўрмон дарахтларини кесиб тайёрланадиган ёғочдир.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ишсизлар кўпаймоқда

**Статистик маълумотларга қараганда, тобора чуқурлашаётган иқтисодий бўҳрон туфайли Европада жорий йилнинг июнь ойида ишсизлик даражаси меҳнатга лаёқатли аҳолининг 11,2 фоизини ташкил этган.**



Европа статистика агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида ушбу кўрсаткич 10,4 фоизга етган. Улар орасида Испания 24,8 фоизлик ишсизлик даражаси билан биринчи поғонани эгаллаб турибди. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг охирига бориб дунёда ишсизлар сони 10 миллионга кўпайиб, 200 миллиондан ошиши мумкин. 2011 йили дунёда жами ишсизлар сони 196 миллион кишини ташкил этган.

## "Toyota" — пешқадам

**Японияннинг "Toyota" автомобиль концерни 2012 йилнинг январь-июнь ойларида энг кўп автомобиль сотган.**



"Toyota" жорий йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,7 фоиз кўп — 4,97 миллион дона машина сотган. Бундай кўрсаткич орқали компания жаҳон бозорида биринчи ўринни эгаллаган. АҚШнинг "Женерал моторс" компанияси 4,67 миллион дона автомобиль сотиб, иккинчи ўринни банд қилган.

## Энди чекмасдан юрасиз

**Саудия Арабистонида жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди.**



Эндиликда давлат идоралари, ресторан, кафе, супермаркет ва савдо марказлари, одамлар гавжум боғ ҳамда хиёбонларда тамаки чекиш қатъиян тақиқланди. Мамлакатда шу вақтга қадар фақат аэропортларда чекиш ман этилганди. Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистони чекувчилар сонининг кўплиги жиҳатдан дунёда тўртинчи ўринда туради. Мамлакатда ҳар куни 6 миллион кашанда тамаки маҳсулотларини харид қилиш учун саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди.

## Европада биринчи, дунёда иккинчи

**Шотландия вазни оғир одамлар кўплиги жиҳатдан Европада биринчи, дунёда эса иккинчи ўринда туради.**

Маълумотларга қараганда, мамлакат аҳолисининг 25,5 фоизи семизлик хасталигига чалинган. Дунёда оғир вазнли кишилар рўйхатини эса АҚШ бошқариб бормоқда. Жаҳон соғликни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, АҚШда семизлар аҳолининг 32,2 фоизини ташкил этса, 3-ўринда Мексика туради.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**● РАНГИН ДУНЁ**

*Дунёдаги аҳоли сони бўйича энг йирик давлатлардан бири ҳисобланган Ҳиндистон Жанубий Осиёда жойлашган. Ҳудудининг каттагина қисми текисликлар ва ясси тоғлардан иборат. Мамлакат шимолда Афғонистон, Бутан, Хитой ва Непал, шарқда Бангладеш ва Мьянма, ғарбда эса Покистон билан чегарадош. Ҳиндистонни Шарқда Бенгал кўрфази, жанубда Полк бў... ва Ҳинд океани, ғарбда Араб денгизи ювиб туради.*

## Вафо ва муҳаббат тимсоли



*Ҳиндистон. Пойтахти Деҳли. Ҳудуди 3287732 квадрат километр. Аҳолиси 1 миллиарддан зиёд.*

Муҳаббатга қўйилган ёдгорликлар барча даврларда садоқат, севги ва улуғворлик рамзи бўлганлиги билан инсониятни ҳайратга солиб келади. Одамзот пайдо бўлибдики, севишга, севилишга иштиёқи баланд. Ҳиндистонда ҳам ана шу шундай пок севги, вафо ва садоқат тимсоли бор. Бу — Тожмаҳал мақбарасидир. У ҳақда билмаган ёхуд эшитмаган инсон бўлмаса керак. Чунки бу иншоот нафақат ҳинд, балки бутун дунё халқларининг мулкига айланиб улгурган. Бобурийлар салтанатининг рамзи ҳисобланмиш Тожмаҳал билан боғлиқ муҳаббат афсонаси бутун дунёга достон бўлган. Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг севги тарихи кимни ларзага солмаган, дейсиз. Сайёрамизда уни зиёрат қилиш, гўзаллигидан баҳраманд бўлиш орзусида юрганлар қанча. Агра шаҳрида савлат тўкиб турган бу мақбара мана неча асрдирки, ўзининг бетакрор маҳобати билан инсониятни ҳайратга солиб келади. Мақбара гўёки табиат билан ўзаро боғлангандек, чунки унинг гўзаллиги қуёш нурлари тушишига қараб ўзгариб туради. Айтишларича, эрта тонгда мақбара оч пушти тусга кирса, офтоб чиққан заҳоти олтин мисол жилоланади. Кечга бориб тўқ рангга кириб, тун чоғи ой шуъласида янада ажиб тусда товланади.

Шоҳ Жаҳон ташаббуси билан унинг севикли аёли Мумтоз Маҳал бегимга атаб қурилган Тожмаҳал қасри асрлар оша жаҳон меъморчилик санъатининг бебаҳо дурдонаси, айни пайтда, вафо ва муҳаббат тимсоли бўлиб келмоқда. Ушбу обида сулола асосчиси Бобур Мирзо вафотидан роппароса бир аср ўтиб, бунёд этилган. Буюк ҳукмдор Шоҳ Жаҳон Шарқ тарихидаги энг вафодор ва садоқатли тож соҳибларидан бири саналади. Малика умри давомида ўз ёрига саккиз ўғил ва олти қиз ҳадя этди. Фақат сўнгги фарзандини дунёга келтираётиб, бандаликни бажо келтирди. Бу айрилиқ ҳукмдорни тамомила танг аҳволга солди. Ниҳоят у ўз маҳбубасига атаб дунёда тенгсиз обида бунёд этишга қарор қилди. Қасрни бунёд этишда турли мамлакатлардан уста ва ҳунармандлар чақирилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича қурилишда Самарқанд ва Бухородан ҳам қўлигул усталар иштирок этган. 1631 йилда бошланган қурилиш ишлари нақ йигирма икки йил давом этган. Аграда, Жамна дарёси соҳилида бунёд этилган бу бетакрор обида Шарқу Ғарб меъморчилигининг энг нафис жиҳатларини ўзида акс эттирган.

Мақбаранинг тўрт бурчагида тўртта минора, устида тўртта кичик ва битта катта гумбаз бор. Баландлиги 74 метр бўлиб, деворлари оқ мармардан, ички қисми эса рангли мармар тошлар билан безатилган. Шунингдек, қасрга кирадиган йўл қизил тошдан бўлиб, 18 гектарлик майдонда боғ барпо этилган. Шоҳ Жаҳон даврида мармар фаввoрадан оқиб тушаётган сувдан ҳосил бўлган ҳовузларда эса турли хил ноёб балиқлар боқилган. Товус ва шунга ўхшаш антиқа қушлар боғга янада файз бағишлаб турган. Бош бинонинг ҳамма томонидан кумуш эшиклар бўлиб, уларга жавоҳир, фируза, олмос каби қимматбаҳо тошлар билан ишлов берилган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Шоҳ Жаҳон ушбу обида қаршисида, Жамнанинг нариги қирғоғида ўзи учун ҳам алоҳида мақбара бунёд этмоқчи бўлган. Ушбу мақбара ҳам Тожмаҳалнинг айни нусхаси бўлиб, фақат қора мармардан ишланиши ва махсус кўприк билан бириктирилиши лозим эди. Бироқ, шоҳнинг нияти амалга ошмади. Кўп ўтмай, валиаҳд шаҳзода Аврангзеб отасига қарши исён кўтариб, тахтни эгаллайди. Отасини эса уй қамоғига ҳукм этади. Буюк ҳукмдор ана шу торгина ҳужрада бандаликни бажо келтиради. Васиятига кўра, уни севгилисининг ёнига дафн этадилар.

**ЯНА ТОЖМАҲАЛ ҲАҚИДА:**

- Ёдгорликнинг тўрт томонида жойлашган тўртта миноранинг баландлиги 45 метрни ташкил этади.
- Маликанинг қабри устидаги қора мармар Шри-Ланкадан келтириб ўрнатилган.
- Мақбаранинг олд томонида икки қатор дарахт экилган ва фаввoрали ҳовуз барпо этилган.
- Тожмаҳал Деҳлидан 200 километр узоқликда жойлашган.
- Мақбарага учта — шарқий, жанубий ва ғарбий дарвозалар орқали кирилади.
- Тожмаҳал 1983 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.
- 2007 йилда эса янги дунё мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилди.

**Зафар МУҲАММАД**

# НИГОҲ



*Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, устоз-шогирд анъанасини тиклаш, ёшларнинг соҳага бўлган қизиқиш ва интилишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Қорасув маҳалласида яшовчи Баҳриддин Пардаев ҳам яратилган ана шундай кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўз ижодий салоҳиятини намоён этиб келаётган ёш ҳунармандлардан.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### Тараддуд

**Шу кунларда жойларда устоз санъаткорлар, таниқли спортчилар иштирокида "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!" шиори остида туркум учрашувлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.**

Урганч шаҳридаги "Авесто" боғ-мажмуасида эса вилоятнинг асосий байрам тантаналарига тайёргарлик кўрилмоқда. Театр актёрлари, санъаткорлар, спортчи ёшлар иштирокида қизғин машқлар бошлаб юборилди. Шунингдек, вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам байрам билан боғлиқ тайёргарлик ишлари кетмоқда.

### Муносиблар танланди

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими бўйича "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танлови бўлиб ўтди.**

Биринчи ўринга Наримон Мирзабоев (Фарғона вилояти), "Квартет" гуруҳи (Қорақалпоғистон), 2-ўринга Шерзод Ортиқов (Тошкент шаҳри), Умида Ҳамидова (Сирдарё), 3-ўринга Умида Мирҳамидова (Тошкент вилояти), Шаҳзод Ходжаев (Сурхондарё), Алижон Маматқодиров (Навоий вилояти), Жаҳонгир Турсунов (Қашқадарё) лойиқ топилди.

### "Дилбар бу жаҳон ичра"

**Хоразмда "Дилбар бу жаҳон ичра" номли халфа-қўшиқлари кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

30 ёшгача бўлган халфа-қўшиқ ижрочилари орасида Урганч туманидан Д.Бектурдиева, 60 ёшгача бўлган ижрочилар ичида Хива туманидан Р.Алламберганова олий ўринга лойиқ кўрилди. Биринчи ўрин Хонқа туманидан Ё.Нуриддинова, хиваликлар Н.Боғибекова ва Ш.Жуманиёзовага берилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Шовот, Қўшкўпир, Хива, Хонқа ва Урганч шаҳри иштирокчилари сазовор бўлишди.

### Гиёҳвандлик умр заволи

**Қувасой шаҳрида наркомания ва гиёҳвандлик мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда қатнашган шаҳар ички ишлар бўлими, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, соғликни сақлаш бўлими вакиллари гиёҳвандлик иллати ҳақида гапиришди, унинг олдини олиш йўлларига тўхталишди. Шунингдек, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди. Тадбир якунида шаҳар марказий маданият уйи ҳаваскорларининг концерт дастури намойиш этилди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# Оила тўкислиги ҳунардан

*Ишини дастлаб қўни-қўшнилари буюртмаси асосида турли ҳажмдаги тандирлар ясаб беришдан бошлаган Толиб Ҳамроев йиллар давомида ҳунарини такомиллаштириб борди. Айни пайтда моҳир кулол ва унинг фарзандлари қўлида сайқал топаётган кулолчилик маҳсулотлари нафақат Навоий вилоятида, балки қўшни Самарқанд, Бухоро вилоятида, қолаверса, яқин хориж мамлакатларининг кўпгина шаҳарларида ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.*

Кармана тумани азалдан қўли гул усталар, моҳир ҳунармандлар маскани сифатида маълум ва машҳур. Бу маскандан ўз касбини улуғлаган заргару косиблар, темирчилар, ёғочсозлар, тўқувчию дурадгорлар, бешикчилар ва тандирсоз кулоллар етишиб чиққан.

Ана шу ҳунарлар аждодлардан авлодларга ўтиб, устоз-шогирд анъаналари ҳам давом этмоқда. Мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йилларданоқ умрбоқий қадриятларимиз қатори бу жабҳадаги ишларда ҳам сезиларли жонланиш, ривожланиш кузатилди. Хусусан тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар, мақсадли дастурлар ҳаётга татбиқ қилинди. Натижада ҳунар аҳлининг ҳаётида юксалиш, ишида эса унум ва барака мужассам бўлди. Буни Кармана туманидаги "Талқоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган ҳунармандлар ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда мазкур ҳудудда 3682 нафар аҳоли истиқомат қилади. Эътиборлиси, маҳалла аҳлининг 30 фоиздан зиёди ҳунармандчилик билан шуғулланади.

Мақоламиз қаҳрамони Толиб бобо Ҳамроев ҳам шу юрт фарзанди. "Кулоллар" маҳалласида туғилиб ўсган отахон тандирсозлик сир-асрорларини бобоси Ҳамро кулолдан ўрганган.

81 ёшни қаршилаган бўлсада кўринишидан анча тетик Толиб бобо ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган кулолчилик ишини улуғлаб асло кам бўлмаганлигини, бу ҳунарни эндиликда фарзандлари Бахтиёр, Фарҳод, Шодмон Муқимов давом эттираётганлигини қишлоқ одамларига хос самимийлик билан изҳор этди.

— Биз кулоллар сулоласиданмиз. Бу ҳунар бизга ота-боболаримиздан мерос қолган. Эндиликда менинг ишимни ўғилларим ва набираларим давом эттирмоқда. "Ҳунарли хор бўлмас" деб бежизга айтишмас экан. Шу ишнинг орқасидан оиламиз фаровон, дастурхонимиз тўкин, - деди уста шукроналик билан суҳбатимиз давомида.

Толиб бобонинг ибратли ҳаёт йўли чиндан ҳам ҳавас қилса арзигулик. Турмуш ўртоғи Маҳфират ая билан 60 йиллик турмуши давомида 8 нафар фарзандни камолга етказди. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли. Улар турли соҳаларда фаолият юритсалар-да, ишдан бўш пайтларида анъанавий кулолчилик билан шуғулланиб туришади.

Меҳнати билан элга танилган бу оилада камол топаётган набира ва эваралар ҳам ота-бобоси улуғлаган кулолчилик сирларини пухта эгаллаб келмоқда.

Тандир ва бошқа уй-рўзғор маҳсулотлари ясаш учун керак бўладиган хомашё — қора тупроқ ва гил таркиби талабга жавоб берадиган тоғли ҳудудлардан келтирилар экан. Кулолчиликнинг ўзига хос сиру синоати, машаққати ва ҳузур-ҳаловатини усталарнинг ишлаш жараёнини кузата туриб дилдан ҳис қилдик.

Отахон билан бўлган суҳбатимиз узоқ давом этди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари... Юртда қаҳатчилик ҳукмрон бўлган даврларда ҳам маҳалла одамлари ҳунармандчилик орқасидан ясаган буюмларини сотиб, борини маҳалладошлари билан баҳам кўрган кунларни ёдга олди... Ҳозирда ҳам кулолчилик билан шуғулланиб келаётган ҳамқишлоқлари Бобомурод, Истам, Ҳалим, Дилмурод усталар томонидан ясалган тандирларнинг харидоргирлигини мақтади.

Нон — азиз неъмат. Унинг қадр-қиммати баланд. Дастурхонимиз кўрки, ризқ-насибамиз бўлган нонни тайёрлаш жараёнлари алоҳида мавзу. Бироқ унинг оби-оташда чиройли, бўрсилдоқ ҳолатда пишиб етилишида тандирнинг сифати ва қулайлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки "Кулоллар" маҳалласи усталари томонидан тайёрланаётган тандирларга талаб катта. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бугунги кунда маҳаллий усталар ясаган тандирларни нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам учратишингиз мумкин.

Оилавий бизнесни яхшигина йўлга қўйган маҳалла кулоллари меҳнатларига яраша даромад ҳам топишаяпти. Ҳовли-жойлари замонавий усулда қурилган. Аксарият ҳовлиларда енгил автомашиналар бор. Муҳими, "Талқоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилаётган 42 та намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларда маҳалла кулолларининг фарзандлари ва набиралари ҳам истиқомат қилишмоқда.

Биз техника тараққий этган шиддатли даврда яшамоқдамиз. Бироқ неча асрлар давомида инсоният корига яраб келаётган кулолчилик санъати намуналари ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмаслиги аниқ. Бундан минг йиллар олдин ҳам одамлар эҳтиёжига яраган тандирхоналар бугун қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турган замонавий турар жойларда ҳам барпо этилаётганлиги унинг умрбоқий қадрият эканлигидан далолат беради.

**Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

## ЙИЛҚИЧИЛИК

# Ўзбек бедови

## ДОВРУҒИ ЯНА ЁЙИЛМОҚДА

*Халқимиз азалдан табиатнинг ноёб мўъжизаси бўлган отга катта эътибор ва меҳр билан қараган. Тарихчи олим, профессор Ўрол Носировнинг "Жиззахдан айтар сўзим" китобидаги мана бу иқтибос ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди: "Ўз оти бўлмаган йигит даврага киролмаган. От эр йигитнинг қаноти, шаъни, бойлиги бўлган йилларда сони оилалар сонидан ҳам ошиб кетган. Отлар нафақат яйловда, ҳатто хонадонларда ҳам боқилган..."*

Бу Жиззах воҳаси, айниқса, Ғаллаоролга хос бўлган гаплар. Чавандозлар орасида юрган от олсанг Жиззахдан, Ғаллаоролдан ол, деган гаплар ҳам бежиз эмас. Бойчибор, Ғиркўк каби бедовлар шу ҳудуд достончилари томонидан куйланганида ҳам асос бор. Фозил Йўлдош ўғлининг термаларига қулоқ тутинг:

**...Қимматбаҳо экан**
**ўзбекнинг оти**
**Минганларнинг яқин**
**етар мақсади.**
**Кўлтиғида тўрт ярим**
**газ қаноти,**
**Асл тулпор экан**
**ўзбекнинг оти...**

Қарияларимизнинг айтишича, довруғи дунёга кетган қорабайир зотли отлар учун нафақат вилоятлар, ҳатто хорижий давлатлардан ҳам харидорлар келишган. Айниқса, Сангзор воҳасида парваришланган бедовлар жаҳон мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган. Чавандозлар учун от парваришлаб берадиган отбоқарлар, мутахассислар тайёрланган. Қолаверса Жиззах вилояти табиати йилқичиликни ривожлантириш учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берган. Дарҳақиқат, республикамиз шароитига мос келадиган йилқиларни парвариш қилиш ва кўпайтириш учун Жиззахда имкониятлар бисёр.

Айниқса, мустақиллик шарофати билан йилқичиликни ривожлантиришга кенг йўл очилди. Хусусан, Жиззах, Зомин, Бахмал ва Ғаллаорол туманларида бу борада ибратли ишлар қилинди. "Равот", Навоий номли, Улуғбек номли, Бобур номли, "Олтинсой", "Ўзбекистон" каби хўжаликлар тажрибаси йилқичилик ҳар томонлама сердаромад соҳа эканлигини кўрсатди. Маънавиятимизга хос бўлган от билан боғлиқ маросимлар қайтадан тикланди.

Вилоят отчопарида, ҳатто, тулпорга ҳайкал ҳам ўрнатилган. Жиззах шаҳрининг кунчиқар томонида қурилган отчопар республикамизда йилқичиликни ривожлантиришга катта имконият яратди. Вилоят ҳокими қарори билан "Улоқ ва от спорти" федерацияси ташкил этилди.

— Қорабайир қадимий ва миллий зот ҳисобланиб, маҳаллий иқлим шароитига жуда мослашган. У республикамиздаги мавжуд отларнинг асосини ташкил этади. Бугунги кунда отдан маҳсулот етиштириш, ишчи кучи, от спорти ва ҳатто, саноат учун биологик ва қўшимча маҳсулотлар тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Айниқса, улоқ-кўпкарида қорабайир Ўрта Осиёда тенгсиз ҳисобланади.

Мутахассисларнинг айтишича, қорабайир ўзида араб отларининг кўркамлигини, мўғул отларининг чидамлилигини, туркман отларининг учқурлигини мужассамлаштирган. Қорабайир отларининг генофондини сақлаб қолиш, зотнинг селекция белгиларини яхшилаш, генеалогик гуруҳларни яратиш ва янада такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Йилқичиликни ривожлантириш бугунги кунда республикамиздаги асосий вазифалардан бирига айланди. Бугунги кунда вилоят бўйича 2 та наслчиликка ихтисослашган йилқичилик фермер хўжалиги бўлиб, уларда наслли отлар парвариш қилинмоқда.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ, Жиззах вилояти**

## ЎГИТ

Доимо эсда тутинг: билмаслик ҳеч қачон кулфат келтирмайди, фақат адашиш ҳалокатлидир. Одамлар билмасликлари учун адашишмайди, билъакс ўзларини билимдон қилиб кўрсатишлари туфайлигина адашадилар.

* * *

Донишмандни кўрганингизда ундаги эзгу хислатлар менда ҳам бормикан, ахлоқсиз кимсага рўбарў келганда бундаги тубанлик менда йўқмикан, деб албатта ўйлаб кўринг.

## РИВОЯТ

# Дўстликнинг фазилати

Илм талаб шогирд устозидан сўради:

— Устоз, беайб дўст изласанг дўстсиз қоласан, деган ҳикматнинг маъноси недир?

— Болам, инсон ниҳоятда мураккаб хилқатдир. Шу боис, одамлар орасида беайб парвардигор деган пурмаъно ҳикмат юради. Одам боласи борки, унинг ўзига яраша фазилатлари, шу қаторда камчиликлари бўлиши табиий. Энг яқин дўстинг ҳам баъзан қандайдир ташқи таъсир ёки бошқача кайфиятда дилингни хира қилиши мумкин. Шундай шароитда сен уни руҳий ҳолатини тушунсанг, ниҳоятда олижаноб иш бўлади. Бироқ, майда-чуда нарсаларни важ қилиб, одамлардан юз ўгириб кетаверсанг, охир-оқибат ёлғизланиб қоласан. Шу боис, дўстларингнинг фазилатларини, яхшиликларини қадрига етиб, онда-сонда учрайдиган камчиликлардан кўз юмсанг, доимо дўстлар даврасида бўласан, дебди пирикомил.

## БИЛАСИЗМИ?

"Селенология" ой ҳақидаги фан бўлиб, қадимги юнон маъбудаси Селена шарафига қўйилган.

* * *

Ердан Ойгача бўлган масофа 384 400 километрни ташкил этади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Ноёб экспонатлар қайтарилди

**АФҒОНИСТОН МИЛЛИЙ МУЗЕЙИГА БИР ПАЙТЛАР МУСОДАРА ҚИЛИНГАН НОЁБ ДУРДОНАЛАР ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ.**



Жами бўлиб Миллий музейга 843 та тарихий ва қадимий экспонатлар топширилган. Улар орасида 4 минг йиллик тарихга эга буюмлар ҳам бор. Тошдан ясалган Будда ҳайкали ва фил суягидан ишланган ўймакорлик намуналари шулар жумласига киради. Айтишларича, мазкур маданий ашёларнинг қайтарилишида Британия музейи жонбозлик кўрсатган. Эслатиб ўтамиз, экспонатларнинг бир қисми мамлакатда ҳукм сурган нотинчлик чоғида инглиз чегарачилари ва полицияси томонидан мусодара қилинган эди. Айрим ашёларни эса шахсий коллекция эгалари тақдим этишган.

# Қимматбаҳо авто

**МЮНХЕН ШАҲРИДА 1962 ЙИЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ROLLS-ROYCE CLOUD II АВТОМОБИЛИГА ЯНГИ "УМР" ҲАДЯ ЭТИЛДИ.**



Автомобилга сон-саноқсиз камалак рангларда товланувчи Сваровски кристаллари ёрдамида безак берилган. Ушбу классик авто бир замонлар ашаддий ҳайдовчилар учун орзу эди. Silver Cloud компанияси шу русумдаги автомобилни 1955 йилнинг апрелидан 1966 йилнинг мартигача ишлаб чиқарган. Ўшанда нақ икки тонналик машина капоти остида 6,2 литрли V8 двигатели бўлган. Унинг тезлиги эса соатига 180 километрни ташкил этган. Rolls-Royce Cloud II автомобилининг тошлар билан безатилишига келсак, у яқин орада хайрия мақсадида кимошди савдосига қўйилади.

# 2,5 минг йиллик шоколад

**МЕКСИКАЛИК АРХЕОЛОГЛАР ҚАДИМГИ ИДИШ-ТОВОҚЛАРНИНГ БИРИДА ТАХМИНАН 2,5 МИНГ ЙИЛЛИК ШОКОЛАД ҚОЛДИҚЛАРИ БОРЛИГИНИ АНИҚЛАШГАН.**



Мутахассисларнинг таъкидлашича, топилма Ютакан ярим оролида кашф қилинган. Испан маданиятига қадар Лотин Америкаси халқлари какао меваларидан ичимлик тайёрлаб ичишгани сир эмас. Бироқ, улар бу ичимликни ликопчаларда соус сифатида истеъмол қилиб келишган. Ҳозирги кунда ҳам мексикаликлар шоколаддан тайёрланган соусни товуқ гўштига қўшиб ейишни хуш кўришади. Демак, археологларнинг топилмаси айнан шунга ўхшаш нарса экани эҳтимолдан холи эмас.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 819, Адади — 5119. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Камолиддин ҲОТАМОВ
Навбатчи: Зафар МУҲАММАД
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.55.
ISSN 2010-7714
1 2 3 5